БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 23 февраль Жума
№ 38 (13.474)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Мамлакат ва халқнинг бундан буёнги турмушини кўп жиҳатдан ҳал қилиб берадиган мамлакатимиз тарихидаги қийин пайтда КПСС Марказий Комитети сизларга мурожаат қилади.

Қайта қуриш туфайли жамиятимиз ўнлаб йиллар давомида биринчи марта сиёсат ва иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий турмушда туб ислоҳот ўтказиш йўлига, маънавий покланиш йўлига ўтиш имкониятига эга бўлди.

Демократик жараёнлар оғишмай олға томон ҳаракат қилмоқда. Одамларда ижтимоий фаоллик, чуқур ижобий ўзгаришларга ташналик уйғонди.

Мамлакатда авж олиб кетган мунозара давомида жамиятимиз биносини бутунлай янгилаш тўғрисида, кундалик ташвишлар ва эҳтиёжларни ҳал қилиш ҳақида принципиал гап бормоқда. Ҳозирги турмушимизда кўп нарсалар бизни қаноатлантирмайди, ташвиш туғдиради. Меҳнаткашлар эгасизлик ва уқувсизлик, масъулиятсизлик ва суиистеъмол фактларига дуч келаётганларида уларнинг ғазабланаётганликлари яхши тушунарлидир. Совет кишилари кескин миллатлараро можаролар, экстремизм социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қўпол бузиш ҳолларидан ачинмоқдалар ва ташвишланмоқдалар.

Фақат бутун халқнинг кучқудрати, пайсалга солмай қатъий куч-ғайрат сарфлашгина мамлакатни ҳозирги мураккаб ҳолатдан олиб чиқа олиши бизга мутлақо равшан. Аҳиллик ва ҳаракат бирлиги, қайта қуришни ҳимоя қилишга, социалистик янгиланиш йўлидан ишонч билан олға ҳаракат қилишга аҳду паймон биз учун ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Биз жамиятимизда қайта қуриш шиорларини такрорлаб, аслида қайта қуришга ҳужум қилаётган, ўз ғаразли манфаатларини, шуҳратпарастлик мақсадларини кўзлаётган, «қанчалик ёмон бўлса шунча яхшироқ» принципи асосида ҳаракат қилиб, халқни граждан муҳолифлиги томон бошлаётган кишиларнинг ҳаддидан ошиб кетишига ва устун келишларига йўл қўя олмаймиз.

Бундай кишилар ҳамма нарсадан фойдаланмоқдалар: мавжуд қийинчиликлар ва нуқсонлардан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар, одамларни зўравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка ва гражданлик қонун-қоидаларига бўйсунмасликка, давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказишга ундамоқдалар. Қабиҳ эҳтирослар ва ҳис-туйғуларни авж олдириш, партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, армиямизга туҳмат ва бўҳтон қилиш — ҳаммаси шармандаларча ишга солинмоқда.

Мамлакатда айни ана шундай экстремист кучларнинг таъсири билан кўпгина намойишлар бўлиб ўтди, бу намойишлар янгиланиш шиорлари билан бошланиб, Советларга қарши даъватлар ва тартибсизликлар, безорилик ҳуружлари ва ур-йиқитлар билан, одамлар бошига алам ва қайғу солиш билан тугади.

Биз ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга қарши, Қонунга қарши ҳаракатларига, уларнинг миллий нифоқ солишларига, қўпол тазйиқ ўтказиш ва қўрқитиш усулларига, партия ва совет идоралари ва уларнинг ходимларини тушкунликка солишга уринишларига, жамиятда душманлик ва шафқатсизлик, ташвиш ва ишончсизликни авж олдиришларига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Булар йўл қўйиб бўлмайдиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлардир. Бундай хатти-ҳаракатлар қатъиян қораланиши керак.

СССР Олий Совети 20 февраль куни қабул қилган Баёнотида бузғунчи кучларни жамиятимиз кемасини чайқатишга уринмаслик ҳақида огоҳлантирди, ҳукумат, жойлардаги совет идоралари зиммасига ҳар қандай митинг фақат ҳокимиятнинг рухсати билан ўтишини, совет Қонунларига қатъиян ва оғишмай риоя қилинишини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитети Олий Советнинг сиёсий Баёнотини қўллаб-қувватлаб, барча партия ташкилотларини, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини қайта қуришни ҳимоя қилишга, олий ҳокимият органи талабларини амалда рўёбга чиқаришга чақиради.

КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партиясизларни, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларни, касаба союзлари ва комсомолни, эркаклар ва аёлларни, ёшлар ва ветеранларни ҳамма жойда қонунни, демократия принципларини асраб бошбошдоқликка бошлаётган, можаролар, нифоқ ва душманлик келтириб чиқараётган, жамиятда беқарорликни вужудга келтираётган кишиларга зарба беришга чақиради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини қаттиқ кузатиб боришлари, Конституцияга зид ҳар қандай ҳаракатларга қатъиян чек қўйишлари, одамларни ҳимоя қилишлари керак.

Меҳнат аҳлининг сўзи пировардида ҳал қилувчи сўздир. Марказий Комитет меҳнаткашлар ўзларининг уюшқоқлиги, интизоми ва масъулияти билан, қайта қуришга халақит бераётганларга, қайта қуришнинг бунёдкорлик маромини бузаётганларга қарши курашдаги қатъияти билан мамлакатимизда партиямиз ташаббуси билан бошланган ўзгартишлар муваффақиятини таъминлайди, деб ишонч билдиради.

Мамлакатни ҳозирги мураккаб вазиятдан олиб чиқиш, уни иқтисодий ўсиш, ижтимоий жиҳатдан соғломлик, муносиб турмуш йўлига фақат масъулият ва соғлом фикр, қонунийлик, интизом ва демократия, ҳалол меҳнат билангина буриб юбориш мумкин.

КПСС Марказий Комитети социалистик Ватан йўлида, мамлакатдаги барча халқларнинг, бутун жамиятнинг фаровонлиги, ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бахт-саодат бўлиши учун демократик асосда бирлашишга даъват этади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Бугун—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

Тинч меҳнат посбонлари

СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали М. А. МОИСЕЕВ ТАСС мухбирининг саволларига жавоб беради.

— Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида, сизнинг назарингизда Қуролли Кучларнинг асосий вазифалари ва муаммолари нималардан иборат?

— Суҳбатни шундан бошламоқчиманки, Совет Қуролли Кучларининг қарор топиши ва равнақи Ватанимизнинг қаҳрамонона тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бугун армия ва флот санасини нишонлар эканмиз, биз, Қуролли Кучларни бунёд этган, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимизни ҳимоя қилишда иштирок этган кишиларни, барча ветеранларимизни, шонли совет аскарини шарафлаймиз, уларнинг жанговар ва меҳнат фаолиятига муносиб баҳо берамиз.

Ҳозир Совет Қуролли Кучлари ўз халқи билан ҳамқадамдир. Жасорат ва фидойилик зарур бўлган жойларда Ватанга ёрдам бериш, уни ҳимоя қилиш зарур бўлган жойларда Қуролли Кучларимиз ҳозиру нозирдир.

Шуни рўй-рост айтмоқчиманки, армия ва флотда қайта қуриш жараёни ҳамма ерда ҳам биз истаганимиздек тез ва силлиқ кечаётгани йўқ. Ҳали ҳам армия муҳитида турғунлик ҳоллари бор, эскириб қолган, бир қолипдаги иш усуллари кўп. Ҳарбий кадрларимиз ишида кўпинча масъулият, касб маҳорати етишмаяпти. Уюшқоқлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, Уставда белгилаб қўйилганидек, тартиб ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишини, йигитларимизни совет ватанпарварлиги ва байналмилал руҳда тарбиялаш ишини анча яхшилашимиз зарур.

Аммо қайта қуришнинг ижобий натижалари ҳам бор. Қисмлар ва бирлашмаларда таъсис этилган офицерлар йиғилишлари тажрибаси тобора бойиб бормоқда, шахсий составнинг жанговар машғулотлардан ажралиб қолиш ҳоллари камаймоқда, қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлиги сифати яхшиланмоқда. Жанговар машғулотлардаги, айниқса, роталар, батареялар, полклар ва полклардаги жанговар машғулотларда ижодкорлик ва ташаббусга кенг йўл очилмоқда. Ҳарбий турмушни демократиялаш ва ошкоралик солдатлар ва матрослар, сержантлар ва офицерларнинг сиёсий онги даражасини анча кўтарди.

Армия ва флотда кўпмиллатли ҳарбий коллективларни жипслаштириш юзасидан катта иш қилинмоқда. Тўғри, жамиятда содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиб бу ишда ҳам кўп нарсаларни қайта қуриш лозим.

— Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 45 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Армия ва флот жангчиларини ўқитиш ва тарбиялашдек ҳозирги ишда ўтмишдаги жанговар тажрибадан қандай фойдаланилмоқда?

— Ҳозир жанговар тажрибани ўрганишга юзаки эмас, ижодий ёндашиш керак. Ўтмишдаги жанговар тажрибада мудофаани, ҳужум ҳаракатларини, қўшинларни қайтадан групалашни, походлар ўтказишни, қўшинларни тайёрлаш ва ўқитишни моҳирона ташкил этишга оид кўп мисоллар бор. Командирлар ва сиёсий ходимлар шахсий состав билан ишлаётганларида худди ана шуни назар-эътибордан қочирмасликлари керак. Аскарларимиз урушда ғолиб чиқиш учун нечоғлиқ топқирлик ва зукколик билан иш кўришгани маълум. Буни ҳам ўрганиш ва айни вақтда жанг ва операциялар олдига қўйиладиган замонавий талабларни ҳам ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда фойдаланиш керак.

Ҳарбий анъаналарнинг қаҳрамонона жиҳати ҳозир ҳам намоён бўлмоқда. Бу бизнинг мулкимиз, жанговар хазинамиздир, бу хазинанинг аҳамияти йил сайин ортиб бораверади. Бу — Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ишида ёшлар учун бамисоли эстафетадир. Бу ўринда Чернобиль, Арманистон, Бошқирдистон, Кавказортидаги воқеаларини эслашнинг ўзи кифоя. Армия ҳамма ерда халққа ёрдамга келмоқда, ҳамма ерда сабр-бардош, мардлик ва байналмилалчилик туйғуларини намоён этмоқда.

— Армия ва флотнинг урушдан кейинги ривожи ҳақида нима дея оласиз?

— Урушдан кейин Қуролли Кучларимизнинг равнақига, аввало, жаҳондаги мураккаб ҳарбий сиёсий вазият ҳал қилувчи таъсир ўтказди, чунки СССР билан гитлерчиларга қарши коалициядаги Ғарбдаги иттифоқчиларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўрнига узоқ давом этган «совуқ уруш» ва муҳолифлик даври келди, бунда бизнинг айбимиз йўқ. Қўшма Штатлар ядро қуролини яратгани ва бу қуролни кўплаб ишлаб чиқаргани «совуқ уруш»ни бошлаб берди. Шундан кейин, — 50-йилларда — стратегик бомбардимончи авиациянинг ривожлантирилиши; 60-йилларда — стратегик баллистик ракеталар оммавий ишлаб чиқарилгани, атом сувости кемалари қурилиши; 70 йилларда — стратегик юмушларга мўлжалланган баллистик ракеталарининг кўп зарядли, ажраладиган ва ҳар бири алоҳида-алоҳида нишонга оладиган каллаклар билан жиҳозланиши, узоқ масофада жойлашган ҳаводаги, ердаги ва денгиздаги объектларни нишонга оладиган қанотли ракеталарнинг яратилиши; 80-йилларда — нейтрон қуролнинг пайдо бўлиши, «самовий урушлар» программасининг ва бошқа программаларнинг қабул қилиниши «совуқ уруш»ни авж олдирди.

Ҳар гал бизнинг жавоб чораларимиз мажбурий бўлди, Совет Иттифоқи ҳамиша қувиб етувчи вазифасини бажарди. АҚШда қитъалараро баллистик Ракеталар яратилгандан кейингина бизда ҳам ана шундай қурол пайдо бўлди, мамлакатимизда ҳам Қуролли Кучларнинг янги тури — стратегик мақсадларга мўлжалланган ракета қўшинлари ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди.

Совет Қуролли Кучларининг барча турлари мутаносиб ривожланди. Шу давр мобайнида қурол-яроғларнинг бир неча туркуми алмаштирилди. Пировардида СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасида ҳарбий-стратегик тенгликка эришилди. Бу тенглик ҳамон тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг жиддий омили бўлиб турибди.

— Совет Қуролли Кучлари, сизнинг фикрингизча, бундан буён қай йўсинда ривожланади?

— СССР Қуролли Кучларининг тараққиёти аввало бизнинг ҳарбий доктринамиз билан белгиланади, бу доктринага мувофиқ Совет Иттифоқи ўз хавфсизлигини ялпи, тенг хавфсизликнинг таркибий қисми деб билади, уни қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш билан боғлайди. Аммо жаҳондаги ҳарбий сиёсий вазият шундайки, ҳозирча қуролсизланиш ва ҳарбий хавфни бартараф этиш жараёнларининг муқаррарлиги ҳақида гапиришга ҳали эрта. Уруш хавфи сақланиб турибди.

Биз мудофаанинг оқилона етарлилик принципига суянмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, стратегик ҳужум қуролларида СССР билан АҚШ ўртасида тобора паст даражадаги тахминий мувозанатни сақлаш, ҳатто бу қуролларни батамом йўқ қилиб юбориш, оддий қуролли кучларга келсак, уларнинг жанговар состави шундай бўлиши кераки, бунда томонлар агрессияни даф этишга қодир бўлиб, айни вақтда тўсатдан ҳужум қилиш имконияти ҳамда кенг миқёсдаги ҳужум операцияларини олиб боришдан маҳрум бўлишлари лозим.

Биз бу соҳада кўп иш қилдик. Маълумки, биз Қуролли Кучларимизни бир томонлама қисқартиришнинг биринчи босқичини якунладик. Ҳарбий округлар, армиялар, умумқўшин дивизиялари сони қисқарди. Ҳужум ва мудофаа воситаларининг нисбати мудофаа воситалари фойдасига ўзгармоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

21 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берилди. Комиссия раиси Т. Ҳ. Собитов ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протоколларни кўриб чиқиб, 1990 йил 18 февралда сайланган 368 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутатини рўйхатга олди. Сайлов якунлари тўғрисидаги хабар ва сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги протоколларни кўриб чиқиб, сайлов округларидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига сайловчилар рўйхатига 10035180 киши киритилганлиги, овоз беришда 9385740 киши ёки 93,5 фоизи қатнашганлигини маълум қилади.

Қорақалпоғистон АССРда овоз беришда сайловчиларнинг 98,3 фоизи, Андижон областида — 96,1 фоизи, Бухоро областида — 92,6 фоизи, Қашқадарё областида — 96,0 фоизи, Наманган областида — 98,1 фоизи, Самарқанд областида — 95,5 фоизи, Сурхондарё областида — 95,0 фоизи, Сирдарё областида — 97,6 фоизи, Тошкент областида — 91,4 фоизи, Фарғона областида — 95,3 фоизи, Хоразм областида — 97,3 фоизи ва Тошкент шаҳрида — 80,5 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш учун 500 та сайлов округи тузилган эди. Уларда 1094 депутатликка номзод овозга қўйилди. Шундан сайлов бюллетенига 174 округда биттадан номзод, 177 округда иккитадан номзод, 149 округда учта ва ундан кўпроқ номзод киритилган эди.

499 та сайлов округида сайлов бўлиб ўтди. 368 округда халқ депутатлари сайланди. Ҳар бирида иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган бир сайлов округида ҳам сайланмаган 95 округда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Депутатликка 1—2 номзод овозга қўйилган 36 сайлов округида номзодлар сайловчилар овозининг зарур миқдорини ололмадилар ва депутатликка сайланмадилар. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ ана шу сайлов округларида қайта сайлов ўтказилади. Депутатликка номзод қолмаганлиги сабабли бир сайлов округида сайлов бўлмади. Сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бу ерда янги сайлов ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига асосан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди. Ҳаммаси бўлиб 368 нафар Ўзбекистон ССР халқ депутати сайланди. Сайланган депутатлар орасида хотин-қизлар — 42 нафар ёки 11,4 фоиз; эркаклар 326 нафар ёки 88,6 фоиз; ишчилар — 50 нафар ёки 13,6 фоиз; колхозчилар — 25 нафар ёки 6,8 фоиз. Депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар — 348 нафар ёки 94,6 фоиз; партиясизлар — 20 нафар ёки 5,4 фоиз.

Давлат ҳокимиятининг олий органига республикамизда яшовчи 17 миллатга мансуб граждандар сайланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови партия белгилаб берган сиёсий ислоҳотни амалга оширишда катта қадам, демократияни янада ривожлантиришнинг далили, қайта қуриш йўлидан бораётган республиканинг сиёсий ва ижтимоий турмушида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси.

Маҳфуза Назарова Олтинкўл ноҳиясидаги трикотаж фабрикасининг илғор тўқувчиси. У кунлик нормасини 1,5 — 2 баравардан уддалаб, дугоналарига ўрнак бўлмоқда. Муваффақиятнинг биринчи омили Маҳфузанинг ишга меҳр қўйгани бўлса, иккинчиси унинг хориждан келтирилган тўқув дастгоҳларидан моҳирона фойдаланишидир.

СУРАТДА: М. Назарова.

Сураткаш: Аъзамжон МИРЗАЖОН.



СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1990 йил 23 февраль № 55 Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, прапорщик ва мичман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари бугун Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Бу байрам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги чуқур ўзгаришлар, совет жамиятининг бутун турмуши янгиланаётган мамлакатимиз учун масъулиятли даврда нишонланмоқда. Социализм ўзининг чинакам халқчил ва инсонпарвар қиёфасига қайта эришмоқда.

Халқаро муносабатларда янгича сиёсий фикрлаш ғоялари изчил қарор топаётганлиги натижасида муҳолифлик, ишончсизлик ва шубҳа ўрнини ҳамжиҳатлик ва мулоқот эгалламоқда. Музокара жараёнлари ривожланиб, хавфсизлик мустаҳкамланмоқда. Бироқ, жаҳондаги ижобий ўзгаришлар ҳозирча муқаррар тус олмади. Агрессия манбалари тугатилмади. Уруш хавфи камайди, аммо ҳали тугатилмади.

СССР Қуролли Кучлари бутун жамият билан биргаликда қайта қуришни амалга ошира бориб, Совет давлатининг хавфсизлигини мустаҳкам гарантияламоқда. Армия ва флот жангчилари ўзларининг ватанпарварлик ва конституцион бурчини юксак масъулият билан адо этмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат Дастурини маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, айирмачилик, миллатчилик, экстремизм кўринишларини қоралаб, коммунистик идеалларни қадрсизлантиришга, совет ҳарбий тарихини сохталаштиришга уринишларга қатъиян қарши чиқмоқдалар.

Армия ва флотда демократиялаш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари аъзоларининг социал ҳимояланишини кучайтириш жараёнлари кенг авж олдирилди. СССР Қуролли Кучлари мудофаа ҳарбий доктринасига тўла мувофиқ тарзда тузилмоқда ва тайёрланмоқда.

Мана шу байрам кунида армия ва флот шахсий составига жанговар меҳнатда, жанговар тайёргарликни янада такомиллаштиришда, ҳарбий интизом, ҳуқуқ-тартибот ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман.

Уруш ва меҳнат, СССР Қуролли Кучлари ветеранларига, барча меҳнаткашларга сиҳат-саломатлик, Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида кучларни бирлаштиришни тилайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

Бугун, 1990 йил 23 февралда, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманск ва Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек, Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

СССР Мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УЗБЕКИСТОН ССРДА ЙИҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КУЧА ЮРИШЛАРИ ВА НАМОЙИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТУҒРИСИДА

СССР Олий Советининг 1990 йил 20 февралдаги Баёнотига мувофиқ, шунингдек, меҳнаткашларнинг қаттиқ жамоат тартиби ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги талаблари муносабати билан ҳамда намойишлар ва юришларга экстремистлар ва жиноятчи унсурлар қўшилиши мумкинлигини, бу эса, ўз навбатида, демократияга қарши хатти-ҳаракатларга, ур-йиқитларга, ўт қўйишларга, зўравонлик ва одамларга қўпол тарзда тазйиқ ўтказишга, уларни қўрқитиш фактларига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Республикадаги ижтимоий, сиёсий вазият барқарор бўлишига қадар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказишга вақтинча рухсат берилмасин, ижозат берилган митинглар ва йиғилишлар эса белгиланган тартибда ва фақат бинолар ичида ўтказилсин.

Мазкур Фармонни бузганлик учун амалдаги қонунларда кўзда тутилганига мувофиқ жавобгар қилинади.

2. Халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари оммавий тадбирлар ўтказишни тартибга солувчи қарорларга тегишли ўзгартишлар киритсинлар.

3. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари барча жамоат ташкилотлари, жумладан, норасмий ташкилотлар билан бевосита алоқа ўрнатсинлар ва ўтказилаётган йиғилишлар ҳамда митинглар кераксиз ижтимоий-сиёсий кескинликни вужудга келтирмаслигига ва ҳар қандай салбий кўринишларнинг олдини олинишига ўзаро мақбул асосда эришсинлар.

4. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари Б. БУГРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 21 февраль.

Нуқтаи назар

ОЛАМНИ АНГЛАЙ ДЕСАНГ...

Ўзлигингни танимоқ, Ўзлигда журъат топмоқ. Бу — атрофда бирон нарсани ўзгартиришга ихтиёр сезмоқ. Аллақандай кўзга кўринмас кишанлардан халос бўлиб, сен ҳам ўзингни шу элнинг бир бўлаги эканингни ҳис этмоқ. Эркин фикр билдирмоқ. Бунга сари ўзни аввал эркинроқ, кучлироқ туймоқ.

Яқин-яқинларгача ҳам бу ҳис бизга бегона эди. Ўзни бунчалик эркин тута олмасдик. Нималардандир ҳайиқиб турардик. Бирон фикр айтгунча атрофга ўн аланглардик. Энди ўша қўрқув аллақаёққа чекиндию, ўзлигимизни англай билгандан бир оламга кириб қолгандек. Унинг ҳавосидан ютоқиб-ютоқиб нафас оламиз, кун сари ўзимизни эркин ва озод сезмоқдамиз. Бу қайта қуриш оламики, унинг қадрига ўзлигини таниган одамгина етмоғи мумкин.

Негаки, шусиз ҳали мутелик тушовларига боғланиб ётардик. Биз билан ким ҳам ҳисоблашар эди? Битта менинг фикрим билан нима бўлиб кетарди? Сен ким бўлибсанки, деган тушунчалар ақлу шууримизни қафасбанд этиб ташлаган эди. Ўзгармизни юмшоқ, бирон фикр билдирмасликка маҳкум эдик.

Баъзан ўйлаб кетаман: нега шу алпозга тушиб қолган эдик? Ахир ўзлигингни танимай, нималарга қодирлигингни сезмай, билмай яшашдан ҳам оғири борми? Нимага жим эдик? Чидардик. Эътиқодимиз шунчалик сусайиб кетганмиди?

Эътиқоддан гап кетса, саксонинчи йиллар бошида рўй берган бир воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди.

Маҳалламизга кираверишда катта кўча ёқасидаги бир гектарча ер ўн йилдан ортиқ бекор ётди. Коттеж қурамиз деб охири ташлаб кетишди. Шу ерни халқ Чилонзор ноҳия фирқа қўмитасининг котиби Толиб Содиқовдан сўраб олиб, атай Шредер институтидан икки минг туп мевали кўчат келтириб, ажойиб боғ қилишди. Ғалабанинг 30 йиллиги шарафига «Ғалаба боғи» деб аталди. Одамлар уни парвариш қилиб ҳосилга киритганда шу ер шаҳар ижроқўмига керак бўлиб қолибди. Улар маҳалла халқидан бир оғиз ҳам сўрамай участкага бўлиб юборишди. Ўшанда халқ югурмаган ери, бормаган идораси қолмади. Ҳатто ёзувчи Дадахон Нурий аралашиб, каттакон тахтачага мойбўёқда «Ғалаба боғи» деб ёзиб осдириб қўйди ҳам. Биз маҳалланинг бир гуруҳ зиёлилари шаҳар ижроқўмининг ўша вақтдаги раиси ҳузурига чиқдик. Ҳамма умидимиз ўша кишидан эди.

— Мевалар ғарқ пишиб ётибди. У шафтолию беҳиларни кўрсангиз эди. Ахир уволи бордир, — дедик. Лекин шаҳар мэри бизни ҳам тушунинглар дегандек елка қисди:

— Шаҳар катта. Наилож, бугун экамиз, эртага бузамиз...

Лойиҳачи муҳандис дўстим Акбар Мақсудов билан идорама-идора югуриб юрган ана ўша кезимизда биринчи марта эътиқодимиз дарз кетгандай бўлди. Шоир айтмоқчи, биз ишонган тоғлардан чиқмайин қолди кийик. Шундай идорада ўтирган кишиларки, Шўро давлатининг суянган тоғларики, ҳақиқатга ён босмаса, адолатга бўлишмаса, АПУнинг аллақандай бир участка берувчи идорасидаги дасти узуннинг айтгани айтган бўлиб кетаверса, биз ҳеч ким эмас эканмиз-да, деган ҳаёлга бордик беихтиёр. Шунда мен «Комсомолка»га ёзаман дедим. Лекин бунинг дарагини эшитган ижроқўмдаги аппаратчилар муроса йўлига ўтдилар. Маҳалла гузари учун алоҳида ер ажратиб, қарор чиқариб бердилар. Бунинг эвазига боғнинг қолган қисмини участкага тортиб олдилар. Шунгаям шукр дедик. Охиргача олишишга... журъатимиз етмади.

Ҳали-ҳали ўша боғ, энди ҳосилга кирган шафтолизору беҳизорлар тушларимга кириб чиқади.

Кейин ўша гузарда халқ ҳашар билан қурган ажойиб клубимиз машҳур Назарбек зилзиласи вақтида қулаб тушди. Давлат суғурта идораси ҳамма-ҳаммага ёрдам қилди, лекин жамоат мулки экан, деб маҳаллага қайишмади. Биз мурожаат қилмаган идора қолмади, лекин бундай кўрсатма йўқ деб туриб олишди. Халқнинг пулини халққа бериб бўлмаса, у қандай кўрсатма бўлди!? У қандай суғурта идораси, жабр кўрганларга ёрдам берувчи ташкилот бўлди? Халқ ҳокимиятининг бир идораси ўз халқига ёрдам қила олмаса. Бюрократлик шунчалик! Ана шунда ихлосимиз яна бир бор совуб, ичдан зил кетдигу, улардан қўлни ювиб, қўлтиққа урганча клубни ўзимиз қайтадан тиклашга уннай кетдик.

Зилзиладан шикаст топган ўша иморатни қайта тиклаб олгач, ижроқўм ходимлари билан бир учрашув ташкил этдик ва ўшанда кимдир юқоридагилардан гина қилиб қолди. Маҳаллага ёрдам бермадинглар-а деб. Шунда давлат суғурта идорасининг вакили нега мумкин бўлмасин, фақат қариялар чойхонаси деб расмийлаштирмоқ керак эди, деди. Ана сизга иккиюзламачилик! Одамларнинг кўнглини чўктириб, ихлосини қайтариб бўлиб айтилаётган жавоб, кўрсатилаётган фатвони қаранг.

Ҳар қандай шахсий ташаббусу эркин фикрни бўғадиган ўша шароитда ким ҳам талашиб-тортиша оларди, ўзлигини англашга ҳаракат қиларди? Шунинг учун ҳам кўпларимиз келишиб яшашни маъқул кўрдик-да. Хўп дедим, қутилдим, йўқ дедим, тутилдим. Менга нима? Оч қорним, тинч қулоғим. Тилни тийган бой бўлар, деган гаплар ўшанда чиққанди-да.

Дарвоқе, фалон вилоятдан фалон механизатор тўрт қаторли терим машинасида мавсумда минг тонна пахта терди десалар, баракалла баҳодир деб ёздик. Лекин қанақасига, қандай қилиб деб кўрмадик. Машинанинг териш қуввати ўзи қанча экан деб қўймадик. Бунда қандайдир алдов бор шекилли, деб ўйлашнинг ўзи шаккоклик билан баробар эди, шекилли.

Леонид Ильичнинг жумҳуриятимизга ташриф буюришлари шарафига фалон вилоят бир кунда беш фоиз, кўп эмас, кам эмас — 25 минг тонна пахта топширди деб рапорт берсалар, яшанг шоввозлар, «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади-да, деб ёзавердик. Лекин бир вилоят даласидан бир кунда 25 минг тонна пахта териб олиниши ақл бовар қилмас юмуш эканлигини ҳеч биримиз ўйлаб кўрмадик. Ўйлаганлар ҳам дим-дим кетаверди.

Илгари беш йиллик якуни бўйича илғорлар мукофотга тақдим этиладиган, тўйдек тантана қилинадиган бўлса, бориб-бориб у «миллат отаси»нинг марҳамати билан йилда қўша-қўша фармонлар босиладиган, саҳифа-саҳифа мукофотлар рўйхати эълон қилинадиган бўлди. Лекин ҳеч ким нега халқнинг оғзи орден билан мойлаб қўйилди, деб ўз-ўзидан сўраб кўрмади. Хаёлига келса ҳам очиқ айтиш, очиқ ёзишга журъат этмади.

Шунақиб фикримиз ўлиб бораверди. Нуқтаи назаримиз йўқолиб бораверди. Кўзларимизни парда босаверди. Фикримиз хира тортаверди.

Шунақиб қарши фикр айтмайдиган бўлдик. Тилимизни тийдик. Дардимизни ичимизга ютдик. Индамасларимиз эса охир-оқибат пушаймон қилиб, мулзам бўлиб қолавердик.

Шунақиб ҳар қадамимизда ҳеч ким эмаслигимизни англаб бора-бора ўзлигимизни йўқотдик-қўйдик. Охири мен деб эмас, биз деб гапирадиган одат чиқардик. Мен десак, ҳа, сенми деб айбдор қилиб қўйишлари, ўзи кимки ман-мансирайди дейишлари мумкин эди. Биз десак-чи, қай биримизни тутади. Ҳар ҳолда мавҳумроқ-да. Кўнгил тинчроқ-да.

Тасаввур қилинг. Маҳаллангиз ўртасида боғчами, гузаргами эллик сотихча ер қолдирилган бўлса-ю, ўша ерга бирдан осмони ҳафтим қилиб тўққиз қаватли иморат қура бошласалар, ким нима дерди? Керакдирки қуришяпти, дердик биттамиз. Баҳонада канализация тармоғи ўтиб қоларкан маҳалламиздан дердик бошқамиз. Тагидаги гастрономни айтсанг-чи, деб қувонарди яна кимдир. Лекин ҳеч ким бу минг бир дурбинли кузатиш пунктига ким рухсат берди, энди ҳовлимизда ҳам эркин юра олмаймизми демасди. Тўғрироғи ҳадди сиғмасди.

Энди-чи? Маҳалламизда худди шундай ҳол содир бўлиб, 12-трест тўққиз қаватли уй қуришга жой оча бошлагандики, ўзини, ўзлигини тушунган одамлар ижроқўмга чиқиб бордилар. Ўртага СССР халқ депутати Йўлдош Акбаровни қўйиб, Акмал Икромов ноҳия ижроқўм раиси Осим Алихўжаевга кирдилар. Хайрият, улар ҳам тушинишди. Уй қурилишини бошқа ерга кўчириб, ўрнига халқ учун жуда зарур бўлган ҳаммом тиклашни режалаштириб беришди. Биринчи марта ижроқўмдан одамлар кўнгиллари тўлиб мамнун чиқиб келганларини кўрдим. Бу ҳам бўлса ўзлигимизни, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таний бошлаганимиз шарофати.

Мен шу учрашувда яна бир нарсага амин бўлдим. СССР халқ депутатимиз Йўлдош Акбаров шу икки Съезд оралиғида анча улғайиб, Москвадан дунёқараши ўзгариб қайтибди. У энди илгариги оддий шофёр эмас. Фикрлаши, мушоҳадаси ҳам бир бошқача. У сайловолди учрашувларида ким қандай наказ берса, уни қабул қилаверган, унчалик чуқур, дадил фикрлай олмаган бўлса, энди катта парламент мактабидан ўтгани шундоқ кўриниб турибди. Мен уни синамоқчи бўлиб шундай савол бердим: «Армиямизда шароит чиндан ҳам ташвишли шекилли? Яқин орада бирон чорасини топмаса, дард улғайиб, газак олмаса кошки эди», дедим.

— Мен яқинда Хабаровска бориб қурилиш батальонига тушган йигитларимизнинг шароити билан танишиб кўрдим, мақтайдиган жойи йўқ. Устига-устак йигитларимиз ишсиз бекор юришибди, — деди у ачиниб, — СССР Мудофаа вазирлигининг олдига алоҳида масала қилиб қўймаса бўлмайди. Токи қурилиш батальонига тушаётган ўғлонларимиз ўз жумҳуриятида қолиб, хизматларини ҳам ўташсинлар, ўз иқтисодимизни кўтаришга ҳам ҳисса қўшсинлар. Ун минглаб одамлар уйга навбатда турган бир вақтда улар ўзимизда ишлаб жой қурсалар шу фойдали эмасми?

Ростдан ҳам кун тартибига қўйишга арзигулик масала. Йигитларимиз ўзимизда ишлаб ҳарбий хизматни ўтасалар оналарнинг ҳам кўнгли тинч бўлар, аскаробод қишлоқларимиз ҳам кўпаяр, йигитларимиз ўз юртида ўзлигини намоён қилар эди-ку. Балки шунда хизматдан қайтибоқ янги оила қурадиган йигитларимизга никоҳ қоғози билан биргаликда ўзлари қурган уйлардан бошпана бериш имкони ҳам очилармиди?!

Яқинда Бирлик массивида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда математик дўстим Саттор Алимухамедов сўзга чиқиб, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир гапни айтди:

— Жумҳурият деҳқонларига томорқа беришни ким ўйлаб топган бўлса ҳам отасига раҳмат. Энди шунақа савобли бир иш бор. Олтмиш олтинчи йилги Тошкент зилзиласида тўрт-беш сотихдан участка олиб иморат қилиб чиққан ўн минглаб хонадонларнинг ҳар бирида ўғил-қизи катта бўлиб, тўрт-бештадан оила сиқилишиб яшамоқда. Дўмавойлар тўлиб кетган. Агар мен депутат бўлсам, шу ўзидан кўпайиб сиқилиб ётган минглаб оилаларга янги жойлар берилишини ҳукумат олдига масала қилиб қўяр эдим ва чоғим келганча шу йўлда курашар эдим. Ахир ўз йигитларимиз ўзимизда қолиб уйлар қурса ҳам бир йилда қанча одам уй-жойли бўлиши мумкин-ку.

Мана, битта ўзлигини таниган, халқим деб яшаётган одамнинг гапи. Қани эди, ҳамма депутатларимиз ҳам шу одамдек фикрлай олса, халқ дардини ўз дарди деб билса. Ўзбекистон бирор беш-ўн йилда қаддини тиклаб олар эди-ку.

Чинданам ўзлигини таниган одам нималарга қодир эмас. Шу ўринда халқ кечаги кунимизга, ўша ғафлат йилларимизда ҳам бедор умр кечирган, юртдан узоқда кўнгли ёриниб бўлса-да, курашиб яшаган бир одамнинг тақдирига кетди.

У Москвага шикоят билан кетаётганини қаердандир сезиб қолишибди. Тошкент аэропортида ушлаб тайёралган фотоплёнкаларини, шикоят-хужжатларини олиб қўйишди. Энди ҳеч қаёққа бора олмайди деб ўйлашган эди. У кейинги рейсдаёқ учиб кетди. Буни сезиб Домодедовода ҳам уни қаршилаб ва ушланг, деб буйруқ беришди. Лекин у устакорлик қилиб одамларни самолётдан олиб кетадиган автобусдан атай қолиб кетди ва бошқа йўл билан шаҳарга чиқиб олди. Кейин Москва Давлат дорилфунуни талабалари ёнига ёрдам сўраб борди. Фақат мен билан Мавзолейга бирга кирсангиз бас, керак бўлса бизни олсангиз бас, деб ниятини тушунтирди. Улар рози бўлишди. Ўшанга ҳам Мавзолейга йигирма марта кириб, шароитни, қачон қаерда бўлишини, ўзини қандай тутишни чамалади. Охири йигирмата студентнинг ўртасида кириб бориб, мўлжалланган ерга, доҳий қаршисига етганда кўксидан ўртоқ Ленинга мурожаатини тушириб юбордию тўхтаб қолди. Бирпасда уни ўраб олишди. Лекин у ўртоқ Ленинга бир оғиз мурожаат этишга изн сўраб туриб олди. Гапирсин-гапирсин дейишди олдиндагилар ҳам, орқадагилар ҳам. Ана ўшанда у юрагида борини тўкиб солди.

Айтадигани эса кўп эди. Роса бир неча минут юрагида борини тўкиб солди. Ўз бошига тушганини эмас, ўз юртидаги ноҳақликларни ёниб-ўртаниб айтди.

Кейин тегишли идорага олиб бориб, дардини яна бир бор тинглашди ва Сиз ҳақсиз, шикоятингизни тегишли ерга етказамиз, деб ўзига жавоб бериб юборишди.

«Ҳаммамиз учун азиз ва ҳурматли «зот» ўшанда юқоридан яхшигина гап эшитганлар. Гап эшиттиришга журъат этган одам эса, оддий ноҳия газетасининг оддий ходими Йўлдош ака Одилов эди.

Жумҳуриятдаги ноҳақликларни кўриб, чидаб тура олмаган бу одам ўзлигини таниб, ҳақиқатни очишга журъат этган бир пайтда қанчаларимиз ҳали соямиздан ҳайиқиб яшардик. Аслида эса шундай одамлар янги даврнинг қалдирғочлари бўлдилар. Қайта қуриш ўшалардаги журъатни бизга юқтирган бўлса ажаб эмас.

Агар мен депутат бўлсам... Агар ихтиёр менда бўлса... Менга қолса... Мендан сўрасалар... Хуллас чўчимай айтадиган фикрларимиз кўп энди: қачон пахтаю пилламизнинг, тиллаю рангли металларимизнинг бир қисмини ўз ихтиёримизга қолдиришар экан? Қачон Иттифоққа бўйсунадиган корхоналар ҳам бюджетимизга бирор нарса ўтказаркан? Қачон?!

Ҳатто оддий гурунгларга тушиб қолсанг ҳам қанча янги фикр, таклифларни эшитасан. Айниқса ўзини билган одамлар ҳисоб-китоб билан гапирадиган бўлиб қолдилар. Дейлик, шахсий хўжалик ерлари барча экинзорларнинг ниҳояти юздан тўрт қисмини ташкил этсаю жумҳурият деҳқончилигида етиштирилган маҳсулотнинг 39 фоизи ўша ердан чиқсаю, давлат ва колхоз ерларида шахсий хўжаликлардагидан олти баробар кам маҳсулот олинсаю ерни деҳқон ихтиёрига бермай нима қилиб ўтирибмиз? Бозорлардаги нарх бир йилдаёқ учтага кўтарадиган даражага тушиб қолсин десак, нега томорқа беришни тезлаштирмаймиз? Қачон халқнинг фойдасини ҳам ўйлаймиз? Давлат рухсат берганида яна нимадан ҳадиксираймиз? Энди томорқага 85 минг гектар ер ажратилибди. Жойларда уни, ўзлигини тушунган одамлар бу ишга бош қўшганида бошқача бўларди. Деҳқоннинг байрамига айланиб кетган бўлмасмиди? Бунинг ўрнига қаердаги тошлоқ, адирлик, камҳосил ерларни бўлиб бериш билан овора. Қўлини бир амаллаб, ер сўраган деҳқондан қутулишни ўйлайдилар. Лекин бу билан ўз зарарига ишлаётганимизни ҳеч англаб кўрмаймиз. Ахиримларга шу яхши-да. Билиб бўладими, эртага яна қандай ўзгаришлар бўлиб кетишини. Эртага яна пахта режасини сўраб қолсалар-чи деган ҳадик сўнмаган-да ҳали. Унда нима қиладилар ҳозир яхши ерларни деҳқонларга бўлиб бериб қўйсалар! Лекин ҳеч ким кам ердан кўпроқ, яхшироқ ҳосил кўтаришни, ўзига ташвиш орттиришни ўйламайди. Сифатлироқ пахта етиштириб, ўша ҳисобдан каттароқ даромад қилиш эса баъзиларнинг тушига ҳам кирмайди.

Рост-да. Миср деҳқони етиштирган пахтасининг ҳар тоннасини (тола ҳисобида) неча минг доллардан пуллайди-ю, бизнинг пахтамиз жаҳон бозорида тенг ярим нархда? Сифати паст бўлса кўтариш керак, уруғлик чигитларимиз бунга имкон бермаса, янгисини топиш керак, олиш керак хориждан. Балки хориж пахтакорлар тажрибасини ўрганишдан уялмаслик лозимдир. Балки шунда биз ҳам жаҳон бозорига яхши тола чиқара олармиз. Инсоннинг қўлидан келмаган иш борми? Агар биз ҳам толамизнинг ҳар тоннасини 10 минг доллардан сотадиган бўлсак, ҳозиргачалик кўп пахта экиш ўз-ўзидан зарур бўлмай қоларку. Қўшимча неча юз минг гектар ер очилади-ку сабзавоту мева-чева етиштиришга. Қанча сувимиз пахтадан ортиб Оролга оқиб бора бошларди-ку. Юртимизда чинакам тўкин-сочинлик бошланарди-ку. Ўйласа, изласа, расамади билан иш юритса йўли каммикин?..

Фақат шу ишга ўзлигини бутунлай бахшида этган фидойилар керак. Уларга эргашадиганлар керак. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб ишлайдиганлар керак. Бизни шу вақтгача ўзини эмас, ўзгаларни, кўпчиликни ўйлашга чорлаб, миямизга бир гапни қоқиб келдилар: худбин одамгина ўзини ўйлайди, деб айтдилар. Лекин ўз қадрини билмаган ўзгани ҳам қадрлай олмаслигини-чи, яширдилар. Бу билан ўзлигимиздан жудо қилдиларки, бунинг фожиасини энди кўриб-билиб турибмиз. Ҳали ҳам кеч эмас. Ўз қадрини билган ҳар ким учун бу оламни англай бориб, ўзлигини намоён қилишга ҳамиша вақт ҳам, имкон ҳам топилгуси. Фақат бу оламга кира билмак керак, унинг нашидасини сурган киши эса ўзлигидан ҳеч тонмагай.

Муроджон МАНСУРОВ,
ёзувчи.

Долзарб мавзу

Демократияга жавоб берадими?

Жумҳуриятимизнинг ҳамма сайлов мавзеларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилди. 18 февраль куни Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги бир нечта сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар билан суҳбатлашдим.

Тошкент ноҳиясининг 11-мактабга жойлашган 4-сайлов участкаси эрта тонгдан сайловчилар билан гавжум. Байрамона кайфият. Сайлов шундай ташкил қилинганки, бу ерга келаётган сайловчиларнинг нигоҳи, аввалambор харид қилиш учун келтирилган олма, анорга, деворга катта ҳарфлар билан «Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти» дейилган ёзувга ва унинг ёнида 113-Келес сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлардан бири ана шу олма-анорларни савдога олиб келган мазкур бирлашманинг бош директори М. Мирзаевнинг сурати ва таржимаи ҳоли акс эттирилган ташвиқот варақасига тушади. Бироқ, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзоднинг муқобил асосдаги иккинчи «рақиби» тўғрисида ҳеч қандай маълумот ҳам, унинг «маҳсулоти» ҳам йўқ.

Сайловчилар билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдимки, уларнинг аксарияти номзодлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Тўғри, сайловчилар орасида номзоднинг эгаллаб турган лавозими ёки обрўсидан қатъий назар тўғри фикр юритиб, овоз бераётган сайловчилар ҳам кам эмас. Илғор фикрли шундай сайловчилардан бири, собиқ педагог, «Иттифоқ» маҳалласининг отахони Одил Ҳожиев билан жумҳурият халқ депутатлигига номзодлар ва ўтаётган сайловлар ҳақида суҳбатлашдим.

— Бизнинг 113-Келес сайлов мавзеси бўйича жумҳурият халқ депутатлигига икки номзод кўрсатилган, — дейди Одил ота. — Улардан бири Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори М. Мирзаев, иккинчи номзод Навоий номли жамоа хўжалиги сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи Б. Сайдазимовдир. Яширишнинг ҳожати йўқ, мен Б. Сайдазимовга овоз бердим. Бу йигитни яхши танийман. Ўтган йили бўшаб қолган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ўрнига уни сайлаган эдик. Қисқа вақт ичида жумҳуриятимиз учун қўлидан келганча ишлади. Айниқса унинг жумҳуриятимизнинг давлат тили ҳақидаги Қонунни такомиллаштиришдаги ишлари эътиборга лойиқ. Тил бўйича аҳоли таклифларини Олий Советга етказиб турди. Яқинда маҳалламиз сайловчилари Б. Сайдазимов билан учрашув ўтказди. Бизга унинг ҳаракат дастури маъқул бўлди.

Бир неча сайлов участкаларида бўлиб, шунга амин бўлдимки, ҳали ҳам депутатликка раҳбарлар номзоди овозга қўйилган участкаларда савдога ноёб моллар чиқарилган. Бу борада «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун бузилмадимикан? Мазкур Қонуннинг 40-моддасида «Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди», дейилади. Сайлов куни сайлов участкаларида депутатликка номзодга «қарашли» маҳсулотни савдо қилиш тарғиботга кирмайдими? Бундан ташқари Қонунда номзодларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида айтилади. Хўп, майли, буларнинг ҳаммаси Қонунга хилоф эмас дейлик. Бу аҳволда жумҳуриятимизнинг олий органига сайланган депутатдан нимани кутиш мумкин? У халқ иши учун чиндан қайғурадими?

Келгуси беш йилга сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари олдида улкан вазифалар турибди. Улар жумҳуриятимизни келгуси йили тўла хўжалик ҳисобига ўтиши билан боғлиқ бўлган тадбирларни рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатишлари, Ўзбекистонимиз келажагини белгиловчи муҳим қонун ва ҳужжатларни ишлаб чиқишлари, қабул қилишлари лозим бўлади. Сайланган халқ депутатларининг фаолиятлари тез орада намоён бўлади. Агар номуносиб депутатни сайлаган бўлсак, депутатликдан чақириб олиш ҳуқуқидан фойдаланайлик. Энг муҳими, ўз хатоларимизга вақтида тушуниб етиб, сиёсий-маънавий фаолиятимизни ошириб борайлик. Ана шундагина аста-секин ошкоралик ва ҳақиқий демократия сари олға борамиз.

Акбар БАҲРОМОВ,
физика-математика фанлари номзоди, ТошПИ ўқитувчиси.

Хорижидан хабарлар

ЧКП Марказий Комитетида кенгаш

ПРАГА. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитетида ноҳия партия комитетлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. «Руде право» газетасининг таъкидлашича, унда ўтган йилнинг 17 ноябридан кейин партия ва жамиятдаги аҳволни ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Могорита биринчи марта чуқур таҳлил қилди. В. Могорита эркин сайловларга тайёргарлик муносабати билан партиянинг вазифаларини гапириб берди.

ЧКПнинг келажаги — унинг халқчиллиги, сабр-қаноати, одамларнинг ишончини қозона олиш қобилиятидадир, деб таъкидлади В. Могорита. Шундай қилгандагина яна ҳақиқий сиёсий кучга айланиш мумкин.

В. Могорита яқин ҳафта ичида ЧКП бошланғич партия ташкилотлари жойлардаги сиёсий аҳволни муҳокама қилишлари, сайловолди программаси тезисларига таклифларни айтишлари керак. Йиғилишларда ЧКПнинг март ойи ўрталарида бўладиган ноҳия конференцияларига делегатлар сайланади.

Антарктидани ҳимоя қилиш йўлида

КАНБЕРРА. (ТАСС). Жаҳонга машҳур француз тадқиқотчи-олими Жак-Ив Кусто Антарктидани инсон фаолиятининг офат келтирувчи таъсиридан ҳимоя қилишга чақирди. Агар сайёрамизда келажак авлодларга зарур яшаш шароитларини сақлаб қолишни хоҳласак, Антарктидага зарар етказмаслигимиз керак, деди у бу ерда, Австралия миллий матбуот клубида сўзга чиқиб. Муз қитъаси ер юзидаги иқлим учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлади олим. Шу сабабдан Антарктида ўзининг бокира ҳолида сақланиши керак ва илмий ишлар олиб бориш учунгина ундан фойдаланиш мумкин.

Австралия Антарктида экологиясини фаол ҳимоя қилмоқда. У ўтган йили фойдали қазилмалар ва денгизда ов қилинадиган ерларни қидириш мақсадида ўтказиладиган геология қидирув ишлари учун қоидалар мажмуини белгилаб берадиган битимга қўшилишдан бош тортган эди. Мамлакат ҳукумати бундай иш тутиш Антарктида муҳитига ўнглаб бўлмайдиган даражада зиён етказади, деб ҳисоблайди. Ҳукумат ушбу қитъани қўриқхонага айлантириш фикрини айтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ СОФИЯ. БХР давлат кенгашининг раиси Петр Младенов асосий сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан маслаҳатлашишни давом эттирмоқда. Бўлиб ўтган учрашувлар чоғида умуммиллий тусдаги муаммоларга алоҳида эътибор берилди, жумладан, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга баҳо берилди, турли сиёсий кучларнинг назарида танглиқдан чиқиш мумкин бўлган йўллар муҳокама қилинди.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳамда сиёсий системага тааллуқли масалалар П. Младеновнинг демократик кучларнинг оппозициячи уюшмаси раҳбари Жель Желев билан учрашувида муҳокама қилинди. Болгария давлатининг бошлиғи тор партиявий манфаатлардан умуммиллий манфаатларнинг устун туришининг муҳимлигини, халқ хўжалигини барқарор этиш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан куч-ғайрат сарфлаш зарурлигини таъкидлади. Суҳбатдошлар гражданлар жамияти ва бозор иқтисодиётига тинч йўл билан ўтишдан бошқа оқилона йўл йўқ, сиёсий турмуш барча қатнашчиларининг бурчи масъулиятни сезиб, амалий ҳаракат қилишдан иборат, деган якдил фикрни айтдилар.

⊙ БЕЛГРАД. Бу ерда ЮСФР ҳамда Европа эркин савдо уюшмаси вакиллари аралаш комитетининг мажлиси бўлди. Музокаралар чоғида комитет сиёсий ва иқтисодий соҳаларда Югославияда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида хабардор қилинди. Бу жараёнлар мамлакатни сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигига, хўжалик юритишнинг бозор принципларига асосланган замонавий демократик давлатга айлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Югославия иқтисодиётини қайтадан ташкил этиш учун Европа эркин савдо уюшмасига аъзо бўлган мамлакатларнинг юз миллион Америка доллари миқдоридаги фондига асос солинганлиги маълум қилинди.

⊙ ВАРШАВА. Польша пойтахтининг маркази яна экстремистлар намойишлари майдонига айланди. Курашаётган «Бирдамлик» ва «Бирдамлик — 80», «Анархистларнинг шаҳарлараро ташкилоти», «Польша мустақиллик тарафдорлари партияси» ҳамда бир қанча шунга ўхшаш ҳаракатлар ташаббуси билан маъмурлар билан келишилиб, тинчлик намойиши деб аталган бу намойишлар ҳамиша бўлгани каби безориларнинг йиғинига айланиб кетди.

Юриш қатнашчилари Польша давлати ва ҳукумати раҳбарлари шаънига таҳқирли шиорларни баравարига бақириб, такрорлаб, баъзи министрларнинг ўз лавозимларидан кетишларини, ҳукуматнинг иқтисодий фаолиятини ўзгартиришни талаб қилдилар.

(ТАСС).



«Бошга қайғу тушса, йиғлаш фойдасиз, ундан қутилишнинг ягона йўли кураш». Бу сўзлар Жанубий Кореянинг Чунчон шаҳрида яшовчи муштипар аёл — Квон Хва Жаники. Жанубий Корея ярим оролидаги жамоатчилик ташкилотлари бу аёлга «йилнинг энг яхши онаси» деган фахрий унвонни беришга қарор қилди. Нега? Бунинг тарихи узоқ. Бироқ она унвон учун бу ишларни қилмаганди. Унинг иккинчи ўғли — Чи Хю чақалоқлигида сариқ касаллигининг жуда оғир босқичига мубтало бўлиб қолганди. Натижада бола ақлан ва жисмонан заиф бўлиб қолди. Чи Хюни даволаш учун врачлар қўлларидан келган барча нарсани қилишди. Бу уринишлар фойдасиз бўлди. Бола кўрпа-тўшакдан турмай «улғая» борди.

Шундан сўнг она ўз ўғлини ўзи муолажа қила бошлади.

Хуллас Чи Хю ўн бир ёшидан бошлаб мустақил юра бошлади. Ақли, зеҳни ҳам яхшиланди. У ҳозир йигирма ёшда. Иқтидорли шоир. Унинг «Келинг, севиб яшайлик» номли шеърлар тўплами Сеулда нашр этилди.

СУРАТДА: Квон Хва Жа ўғли Чи Хю билан.

ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎТГА ЧИДАМЛИ РЕЗИНА

✦ ЭНГ ўтга чидамли материаллар ошиғи билан 2500 даражагача бардош бериши мумкин. Вольфрам карбидининг чидамлилик ҳарорати эса 2750 даража.

«Женерал электрик» (АҚШ) лабораториясининг кимёгарлари ўтга бардошлиликда булардан ҳам ўтиб тушадиган резина ишлаб чиқаришга муяссар бўлдилар. У 5500 ҳароратгача исиган тақдирда ҳам ўзининг аввалги хусусиятини йўқотмайди. Бу резиналар авиа ва автомобиль қурилишида ишлатилади. Олимлар бу резиналарни қандай тайёрлаш усулларини ҳозирча ўта сир тутишмоқда.

ҚЎНҒИРОҚ ТУЗАТИЛДИ

ГДР, ГФР ва Франция мутахассислари одатдан ташқари ремонт ишларини бажардилар. Улар Эрфурт бутхонасидаги улкан қўнғироқни қайта тузатдилар. Ярим метрли ёриқ пайдо бўлганидан бери қўнғироқ бонг урмасди. «Глориоза» деб аталадиган бу қўнғироқ овози Европада энг оҳангдор ҳисобланади. Баҳайбат қўнғироқнинг баландлиги 12 метр, оғирлиги 11 тонна, «ёши» эса 500 да.

ЧУВАЛЧАНГ ФЕРМАЛАРИ

✦ ҲОЗИРГИ кунда АҚШда чувалчанг етиштирувчи жуда кўп фермалар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзлари етиштирган ёмғир чувалчангларини ер эгаларига сотадилар.

Маълумки, чувалчанглар тупроқ ҳолатини яхшилайди, минерал ўғитларни кўпроқ иқтисод қилишга имконият яратади. Агар тупроқ қатламида улар етарли бўлса, магний икки ҳисса, азот беш ҳисса, калий эса ўн бир баробар ортади. Бундан ташқари чувалчанглар ерни юмшатади, дарахт ва ўсимликларга чуқурроқ илдиз отишлари учун имконият яратади.

НИЛ УСТИДАН ҚАЙИҚДА

✦ ИТАЛИЯЛИК Дой Малингри ҳаво билан дамланадиган икки кишилик қайиқ ясади. У ҳам сувда сузолади, ҳам учади. Қайиқнинг оғирлиги 150 килограмм бўлиб, соатига 64-80 километр тезликда учади. Самолёт-қайиқ 2 соат давомида тинмай учиши мумкин.

Яқинда Малингри бу ғаройиб қурилмани синаб кўрди. У хотини билан Нил дарёси бўйлаб 960 километр масофани қайиғида ҳам сузиб, ҳам учиб ўтишди.

Бугун— Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

Тинч меҳнат посбонлари

(Боши 1-бетда).

Стратегик мақсаддаги Ракета қўшинлари потенциал босқинчини тийиб туришнинг бош воситасидир ва бу қўшинлар ҳамиша жанговар шай ҳолатда бўлишлари керак. Қуруқликдаги қўшинларнинг тараққиёти уларни анча қисқартириш, мудофаа структураларини ўзлаштириш билан белгиланади. Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қўшинлари ҳамон душманнинг ҳаво-космик воситалар билан ҳужумини даф этишнинг негизидир. Самолётларга қарши мудофаа ҳам ривожланади. Ҳарбий-Ҳаво Кучларини зарба уришнинг самарали воситалари билан жиҳозланган янги ва модернизация қилинган авиация комплекслари билан қайтадан қуроллантириш кўзда тутилмоқда. Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳарбий-денгиз техникаси ва қурол-яроғининг сифатини ошириш эвазига ривожланиб боради.

Ҳозирги вақтда Қуролли Кучларни эҳтимол тутилган қисқартиришни ҳисобга олиб ривожлантириш истиқболи ишлаб чиқилмоқда.

— Шарқий Европа мамлакатларида содир бўлаётган жараёнлар муносабати билан кўпчилик одамларда Варшава Шартномасининг бундан буёнги тақдири қандай бўлиши хусусида савол туғилмоқда.

— Халқаро муносабатлардаги ижобий жараёнлар икки ҳарбий сиёсий иттифоқнинг келажагини янгичасига ойдинлаштирмоқда, Варшава Шартномаси ташкилоти ва НАТО ўртасидаги ана шу иттифоқлар ичидаги ўзаро муносабатларга муайян тузатишлар киритишни талаб этмоқда.

Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар неча марта Варшава Шартномаси ва НАТОни тарқатиб юборишни таклиф этишган эди, Ғарб бундай таклифларни рад этмоқда.

Келажакда Варшава Шартномаси ва Шимолий Атлантика блоки сиёсий-ҳарбий иттифоқлар бўлса керак. Ғарб ўз сиёсатида куч ишлатиб ёндашишдан воз кечиб бораверганн сайин бу иттифоқлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳарбий жиҳатлари тобора камроқ роль ўйнаши ва ўз мудофаасини таъминлаш учун энг кам эҳтиёжлар билан чегараланишига биз тайёрмиз.

Тарихда биринчи марта Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канада бош штаблари бошлиқларининг иштироки билан ҳарбий доктриналарга бағишлаб ўтказилган семинар иккала ҳарбий сиёсий иттифоқ ўртасидаги муносабатларни қайта қуришга эришишга, қурол-яроғдан холи бўлган умумий Европа хонадонини бунёд этишга хизмат қилиши мумкин.

Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасидаги муносабатларда сиёсий жиҳатларнинг устун бўлиши ана шу иттифоқларнинг аста-секин йўқ бўлиб боришига, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини бунёд этиш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

— Михаил Алексеевич, СССР Қуролли Кучлари бутун тарихи мобайнида унга сўнгги йилларда бўлаётганидек, бу қадар синчковлик билан назар ташланмаган эди. Армия ҳақида яхши гаплар кўп айтилмоқда. Лекин танқидий мулоҳазалар ҳам етарли. Бунинг боиси нимада деб ўйлайсиз!

— Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, СССР Қуролли Кучларига совет жамоатчилигининг диққат-эътибори ортиб бораётганлиги армиянинг ўзидаги қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш сиёсати билан боғлиқдир. Иккинчидан, илгари тилга олиш мумкин бўлмаган армия мавзуини кенг кўламда муҳокама қилиш совет кишиларига, бир томондан, жангчиларимизнинг мураккаб жанговар меҳнати ҳақида кўпроқ нарсаларни билиб олишга имкон берди. Иккинчи жиҳатдан эса, жамиятда неча йиллардан буён тўпланиб келган ва армия муҳитида худди кўзгудагидек акс этган салбий жиҳатлар ҳам яққол кўринди. Аксарият совет кишилари армия, уларнинг хавфсизлиги кафолати эканлигини тушуниб турибдилар ва Қуролли Кучлар ҳар қандай вазиятда ҳам Ватан хавфсизлигини ишончли таъминлашга қодир бўлиш тарафдоридирлар.

Аммо армияга қарши кайфиятлар қандай вужудга келаётгани ва қай тарзда ўсиб бораётгани, баъзан ошкора социализмга қарши ва миллатчилик позицияларидан туриб армия ва флотимизнинг жанговар қобилиятини барбод этишга, совет жангчиларига душманлик муносабатини авж олдиришга уринишлар бўлаётганини кўрмаслик мумкин эмас.

Озарбайжон ва Арманистонда чегара бузилаётганига, ўғрийиқитлар ва қотилликлар бўлаётганига, армия қисмларига қурол билан ҳужум қилинаётганига, қурол-яроғ ва жанговар техника қўлга киритилаётганига бефарқ қараб туриб бўладими, ахир.

Бир қанча республикаларда экстремист унсурлар Совет Қуролли Кучларини бадном қилиш, шу кучлар жанговар шуҳратининг рамзларини, ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган ёдгорликларни оёқ ости қилиш кампаниясини авж олдирдилар. Фашизмни тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган Қуролли Кучларимизни босқинчи армия деб аташ, ҳозир уни гўё иқтисодий ва ижтимоий мушкулотларимизнинг асосий сабабчиси қилиб кўрсатиш учун одамда барча совет нарсаларига нафрат қанчалик кучли бўлиши, қанчалик масъулиятсизлик ва сиёсий авантюризмга етиб бориш керак.

Биз, оқилона, холис танқид тарафдоримиз, аммо биз армияни қоралашга, мамлакат мудофаасига путур етказишга, армия ва халқнинг бирлигини парчалаб ташлашга қатъиян қаршимиз.

— Қуролли Кучлар туғилган кун умумхалқ байрами бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу кун сиз армия ва флот жангчиларига, бутун совет халқига қандай истаклар билдирган бўлур эдингиз!

— Фурсатдан фойдаланиб армия ва флот жангчиларига Қуролли Кучларда содир бўлаётган барча қайта қуриш жараёнларида фаол иштирок этинг, ҳарбий интизомни мустаҳкамланг, жанговар ўқув сифатини оширинг, деб истак билдирмоқчиман.

Ветеранларимизга эса бундан буён ҳам кекса авлоднинг шонли жанговар ва меҳнат анъаналарини фаол ва кенг тарғиб этинг, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқ ва армиянинг бирлигини мустаҳкамлашда иштирок этинг, деган бўлур эдим.

Барча совет кишиларига эса жамиятимиз ҳозир жуда муҳтож бўлиб турган қайта қуриш жараёнларини, ҳамжиҳатлик ва жипсликни мустаҳкамланг, демоқчиман.

(ТАСС).

ҚАРЗ

Редакциямизга ҳассага суянган оппоқ соқолли бир нуроний ташриф буюриб, салом-аликдан сўнг «дардини ёрди»:

— Ўғилларим, жоним омонлигида сизларга шу қарзни топширай, деб келгандим.

Отахон чўнтагидан кўк жилдли, қалин муқовали дафтарчани олиб бизга узатди. Ҳамза ака Ҳамроқулов урушгача колхозда пахтакор бўлиб ишлади. Энди кучга кириб, тоғни урса талқон қилгудек пайтида 1942 йил Ватан ҳимоясига отланди. 1944 йил оғир яраланиб, ўз она қишлоғига қайтиб келди. Ҳозир Тошкент вилоятининг Чиноз ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида яшайди. Қуйида сиз Ҳамза отанинг хотираларидан парча ўқийсиз.

— 1943 йил. Урушнинг айни қизғин палласи. Қўшинларимизнинг бутун кучини ишга солиб, Ватанимизга бостириб кирган фашистларни қувиб, таъзирини бераётган даври. Ҳамма фронтларда душманга қарши дадил ҳужум давом этарди.

Мен хизмат қилаётган қисм Днепрни кечиб, унинг сўл қирғоқларида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олди. 80 солдатдан иборат ротамиз Могилёв томон ҳаракат қилаётган пиёдалар ва ўқчилар полки билан ҳужумга ўтдик. Душманга қарши жанговар «катюша», танк, оғир тўпларни ишга солиб, уларни ғарбга чекинишга мажбур қилиб, кичик бир шаҳарчани озод қилдик.

Брянск ўрмонларининг чегараси йўқ. Тинчлик даврида бу ўрмонларда сайр қилиб чарчамайсан киши. Аммо начора, уруш-уруш-да. Гитлерчилар навбатдаги ҳужумга ўтиб қолишди. Техника ва қўшин сони жиҳатидан устун бўлган душман қутуриб мудофаа истеҳкомларимизга ҳамла қиларди. Ҳандақлар устидан визиллаб учиб ўтаётган ўқлар у томондан бу томонга ажал таширди. Бомбаларнинг портлашидан ер ларзага келар, тупроқ уюмларини жангчиларимиз устига ташлар эди. Кечга яқин мудофаада турдик.

Тунда юлдузлардан белги олиб шарққа томон юриш қилдик. Ўрмон оралаб кетаяпмиз, кутилмаганда 5-6 та немиснинг юк машинасига яқинлашаётганини, сал нарироқда икки немис ўрмондаги уйчанинг томига фашистлар рамзи туширилган белгини ўрнатишаётганини кўриб қолдик. Автоматдан ўт очиб, учтасини ер тишлатдим. Томдагиларни асир олдик. Асирларнинг айтишича, совет қўшинлари уларга уч-тўрт чақирим масофада жойлашишгани, бу белгини эса десантчиларга ишора сифатида ўрнатишаётган экан. Биз минг машаққатлар билан 39/5 деб аталувчи қисмга қўшилиб олдик. Туманда адашиб, қисмимиздан ажралиб, тўрт кечаю тўрт кундуз йўл босиб, шу ерга етиб келганимизни қисм командирига айтдик.

Тарихга танклар жанги, деб битилган Курск жангининг биринчи куни мен учун энг оғир кун бўлиб қолди. Шу куни мен елкадошим, қуролдош оғайним Борисдан ажралиб қолдим. Борис (саратовлик) билан бир кунда жангга киргандик.

Аскар оталар, аскар оналар беомон уруш ҳақида ёзиб, дардингизни янгилаш ниятида эмасдим. Қирчиллама қирқингизни урушга бериб, севикли ёрингизни, меҳрибон онангизни, жигаргўшаларингизни ташлаб, Ватан ҳимоясида Москва, Ленинград, Сталинград жангларида қон кечиб, кўксингизни қалқон қилдингиз.

М. АБДУЛЛА.

Ҳамюртларимиз қандай хизмат қилишмоқда?

Фахрланса арзийди

Қадрли «Ёш ленинчи»!

Бизнинг ҳарбий қисмимизда турли миллат ва элат йигитлари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ бўлиб хизмат қилмоқдалар. Улар орасида ўзбекистонликлар ҳам анчагина. Ана шундай ажойиб ҳамюртларингиздан бири, гвардиячи кичик сержант Қудрат Ҳайдаровдир. Қудрат 1988 йилнинг ноябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилган.

Қудрат қисмимизга келган вақтидаёқ, қуролдошлари орасида ўзининг тиришқоқлиги, мустаҳкам иродалилиги билан алоҳида ажралиб турарди. У доимо топширилган ҳар бир вазифани сидқидилдан, берилиб бажаришга интиларди. Қисқа вақт ичида ҳарбий техникани мукаммал ўрганиб, бирданига иккита мутахассисликни эгаллашга улгурди. Қўмондонлик томонидан Қудрат бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Биз «Ёш ленинчи» орқали шундай ажойиб, фидойи йигитни тарбиялаб, вояга етказган ота-онасига, қолаверса барча оила-аъзоларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Қудратнинг армия хизмати шу йилнинг кузида тугайди. Биз Қудратнинг издошлари — эндиликда Совет Армияси сафига чақирилаётган ўзбекистонлик йигитларнинг ҳам ўз ҳамюртларидек намунали хизмат қилишларини тилаймиз.

Ҳарбий бўлинма комсомол қўмитаси котиби Юрий ПОДЛЕСНИЙ.





Аскарлик... Бу сўзни бизда ҳар бир йигитнинг элу юрт олдидаги қарзи, шарафли бурчи деб ҳисоблайдилар. Албатта, шундай. Лекин аскарликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, қийинчиликлари бўлиши табиий. Сиз ушбу суратларга бир эътибор қилинг. Эстониялик оддий аскар М. Вели учун бугун байрам. Чунки унинг номига эстон тилида босилган журналлар келди. (юқоридаги сурат).

Қизил Байроқли Сибирь ҳарбий мавзеси коллективи бугунги байрамни қизғин кутиб олишяпти. Улар кечагина янги жанговар ракетани машқ майдонига олиб келиб қўйишди (пастдаги сурат).

Суратларни А. МАКСИМОВ ва А. КУЗЯРИНЛАР олишган.

(ТАСС суратхроникаси).

Ўғил ва невара мактуби

Фарзанд улғаяди. Бўз бола бўлади. Мўйлаби сабза уриб, қирчиллама ёшга етган пайти эса унинг кўнглида элу-юрт осойишталиги, Ватан ҳимоясига отланишдек муқаддас туйғулар жунбушга кела бошлайди. У ўзини ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик кайфиятда бу эзгу ишга тайёрлай бошлайди. Бу кун келади. Ҳар йигитнинг бошида бор — унга ҳарбийча кийиниш насиб этади. Ўша пайтда она юртда жиндак хавотир-у, фахр билан ўз жигарбандидан хабар кутаётган ота-она, ёру-биродарларга битилган илк мактуб ҳам ўзгача бўлади.

Йигитларимизнинг қутлуғ байрамига тараддуд кўраётган чоғимизда рўзномамизга уруш ва меҳнат ветерани кекса журналист Раҳматилла ака Исҳоқовдан хат келди. Қизиғи у киши ҳарбийнинг илк кунларини бошидан кечираётган, бир кунда иккаласи ҳам армияга чақирилган ўғли Саъдулла ва невараси Ойбекнинг соғинч мактубларини бизга юборибдилар. Биз муштарийларимиз билан Раҳматилла аканинг қувончига шерик бўлишни лозим топдик.

БИРИНЧИ МАКТУБ

«Дадажон! Эсон-омонмисиз? Уйдагиларнинг сиҳат-саломатликлари яхшими? Ҳамма танишларга, ёру-биродарларимга менинг номимдан саломлар айтинглар.

Мана, армия хизматига аста-секинлик билан кўникиб бораяпман. Ҳарбий машғулотларга ўзингиз тайинлаганингиздек, жиддий эътибор бераяпман. Конверт устидаги адресни кўриб, сезгандирсиз. Мен жуда қувондим. Болалигимда ўзингиз ҳикоя қилиб берган Белоруссия ўрмонларини ўз кўзим билан кўрдим. Сиз жанг қилган жойларда юрибман. Ҳавоси бирам тоза, табиати гўзал. Шундай беқиёс манзарага боқиб, «энди бу ерларда ҳеч қачон уруш бўлмасин дейман...»

Майли, икки йил ҳам ўтиб кетар. Ҳали қучоқ очиб кўришамиз. Салом билан ўғлингиз Саъдулла».

ИККИНЧИ МАКТУБ

«Бобожон! Мана, хизматни ҳам бошлаб юбордим. Челябинскка тушдим. Бироз совуғини айтмаганда, яхши жой. Кўп нарсаларни ўрганаяпман. Ҳеч хавотир олманг. Командирларим ҳам менинг хулқ-атворимдан нолишаётгани йўқ. «Армия киши иродасини мустаҳкамлайди, ҳушёрроқ бўлишга ундайди», деган гапларингиз жудаям тўғри экан.

Яна бир гап, бу ердаги хизматдошларимнинг кўпчилиги ҳали бизнинг жонажон юртимиздаги ажойиб мевали дарахтларнинг айримларини ҳатто эшитишмаган ҳам экан. Улар ҳақида гапириб берсам бирам берилиб тинглашадики. Хизмат тугагач, баъзи дўстларим Ўзбекистонга-бизникига меҳмонга келишмоқчи...

Бобожон менинг аскарлик саломимни барчага етказиб қўйинг. Сизга омонлик тилаб, ўйинқароқ набирангиз Ойбек».

Хайрли иш

Улуғ Ватан уруши йилларидаги оламшумул ғалабамиз бизга қимматга тушди. Немис-фашистлари томонидан бошланган бу уруш Совет давлатига икки триллион 600 миллиард сўмга яқин моддий зарар келтирди. Энг ачинарлиси 20 миллион одам шаҳид кетди. Ана ўша шаҳидлар хотираси учун қанча кўп иш қилсак, оз албатта. Тўғри, қаҳрамонлар хотираси учун ажойиб монументлар, ёдгорликлар, уруш хотиралари битилган асарлар яратилди, мангу оловлар ёниб турибди. Уларнинг руҳларини шод этиш бизнинг бугунги кундаги муқаддас бурчимиздир.

Ноҳиямиз маркази Зафаробод посёлкасида ҳам қаҳрамонлар хотираси учун ёдгорлик ўрнатилиб, юртдошларимиз Ғалабанинг 45 йиллигига совға тариқасида тайёрламоқчи эди. Минг афсуски, маблағ йўқлиги сабаб, иш ўз муддатида амалга ошмай қолди.

Лекин халқ қудратли куч эканлигини яна бир бор исботлади. Ноҳия газетаси орқали халққа мурожаат қилинди. Мурожаатномани кекса-ю, ёш, айниқса, фахрийлар қўллаб-қувватладилар. Ёдгорлик учун 70903 ҳисоби очдик. Ҳисобга пул ўтказиш ҳамон давом этмоқда. Ёдгорликка аталган тепалик атрофида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Халқимизда ажойиб бир нақл бор. «Хайрли ишнинг эрта-кечи бўлмайди». Демак, савобли, хайрли иш қилмоқчимисан, унинг эртаси ҳам, кечи ҳам йўқ.

Очил ҚЎЧҚОРОВ.
Сирдарё вилояти.

Кенгашли тўй тарқамас

Хивага Хоразм вилоятининг турли шаҳарлари ва ноҳияларидан, Туркманистоннинг қўшни Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистондан собиқ байналмилал жангчилар ўзларининг қуролдош дўсти Одилбек Отажонов ва унинг қайлиғи Ўғилжон Искандаровани қонуний никоҳ билан табриклагани келишди. 23 ёшли собиқ «афғон» — катта сержантнинг комсомол тўйига ноҳия ва вилоят ҳарбий комиссариатларининг офицерлари ҳам ташриф буюрдилар. Одилбек Отажонов «Жасорати учун» медали билан мукофотланган.

В. И. Ленин номли Хоразм Давлат педагогика институтининг иккинчи курсида сиртдан ўқиб, ноҳия кутубхонасида ишлаётган Одилбек ва маҳаллий мактаблардан бирида секретар-машинистка бўлган Ўғилжон ҳаётидаги қувончли воқеани нишонлаш учун кўпгина ноҳия ва шаҳарларнинг раҳбарлари ҳам келишди. Бу тантанадан вилоят комсомол комитети, вилоят касаба союз комитети, вилоят маданият бошқармаси ходимлари ҳам четда қолмадилар. Ўзига хос мутасаддилар ҳам топилди. «Улар тўйнинг бадиий қисмини ташкил этишда ёрдам беришди.

Турли йилларда Хиванинг ўзидангина 213 нафар йигит Афғонистонга хизматга чақирилганди. Ана шу йигитларнинг 10 нафари қайтиб келмади, 15 жангчи ногирон бўлиб қайтди. Эндиликда шаҳарнинг янги кўчалари, пионер дружиналари «афғонистонлик» жангчилар номи билан аталади. Байналмилал жангчилар ўқиган ва ишлаган мактаблар ҳамда корхоналарда уларнинг шарафига ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган.

Хива ноҳия партия комитети ва ноҳия ижроия комитети «афғонистонлик» жангчиларнинг оилаларига катта ғамхўрлик қилмоқда. Келин-куёвга тўйларидан бир неча кун олдин ажойиб бир совға қилинди — уларга тантанали вазиятда тўрт хонали коттежнинг калити топширилди. Ноҳия ташкилотлари биринчи группа ногирони А. Отажоновга «Запорожец» автомобилини ҳам ажратдилар.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ҳурматли редакция! Куни кеча газетангиз саҳифасида эълон қилинган хабарда бир гуруҳ фарғоналик ёшлар Улуғ Ватан уруши йилларида бедарак йўқолган ёки ҳалок бўлган ўз ҳамюртларининг номларини абадийлаштиришга киришганликларини эшитиб, бошим осмонга етди. Урушнинг тугаганига 45 йил тўлиши арафасида бошланган бу хайрли ҳаракатни бажонидил қўллаб-қувватлаш керак. Савоб ишларни бошлаган фарғоналик ўғил-қизларимга ташаккур!

Инсоний бурч

Ўша даҳшатли 1941 йили 22 июнда мен Ленинград вилоятида ҳарбий бурчимни адо этаётгандим. Иккинчи зарбдор армиямиз урушнинг биринчи кунларидаёқ ўз кучини йўқотган эди. Бизлар чекинаётган қисмимиз билан Волхов фронти составига қўшилиб қолдик. Дивизиямиз Батицкий шаҳри остонасида бир дарё ортида ўз мудофаа истеҳкомларини қураётганди. Взводимизга қишлоқ четидаги ерларда ҳандаклар қазиш топширилганди. Аскарлар ўзларига бириктилган жойни илонизи қилиб қазий бошлашди. Шу пайт мен билан ёнма-ён ер қазиётган ўзбек йигитига кўзим тушиб қолди. У қорачадан келган, гавдали, тахминан 25 ёшлар чамасида эди.

— Ҳорманг, оғайни,—дедим.

— Бор бўлинг, — дея кулиб жавоб берди у.

Шу куни кечгача тиним билмай ишладик. Кечқурунги овқатдан сўнг ҳалиги йигит билан учрашдим.

— Мен сизни аввал туркман бўлса керак, деб ўйловдим, — дедим унга. — Ҳамюртим экансиз-ку? Мана энди зерикмайдиган бўлдим. Қаерликсиз ўзи?

У бир оз ўйланиб:

— Фарғоналикман, исмим Юсуфжон, — деди. Сўнгра у шошилмай ўзи ҳақида батафсил сўзлай бошлади. Унинг «Усмон Юсуповнинг ошпази бўлганман» деган гаплари ҳануз эсимда. Мен ҳам унга болалигим ҳақида 1938-1940 йилларда Ўзбекистон радиосида диктор бўлиб ишлаганим, Москвада таҳсил кўраётган вақтимда ҳарбий хизматга чақирилганимни айтиб бердим. Унга радиода ишлаб юрган вақтимда машҳур ҳофизлар Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов, домла Ҳалим Ибодов, Ғулом қори Ғаниев, Акбар Ҳайдаров, Юнус Ражабий, Ҳалимахон Носирова сингари ўзбек халқининг ажойиб санъаткорларининг ҳар бир чиқишларини қандай тарзда эълон қилганлигимни айтганимда Юсуф ҳаяжон билан кўзларига ёш олди. Юсуф ҳам ўзбек халқ ашулаларини севиб тинглашини, гоҳо ўзи ҳам хиргойи қилиб юришини айтди. Мен буни эшитиб, «бир ашула айтиб беринг», деб туриб олдим.

— И-я, қандай бўларкин! Командирларнинг қулоғига етса, кейин қўйишмайди.

— Қўрқманг, фақат иккovимиз эшитадиган қилиб айтсангиз бўлди, — дедим уни хижолатдан қутқариб.

Қош қорайган чоғи янги чиқаётган ҳилол ой унча ёритмай бизга бир бурчакдан мўралаётгандек туюларди. Юсуф қўлларини тиззасига қўйиб, икки бармоғи билан аста-секин қўлидаги куракчасини чертиб, ашула бошлади. Унинг майин ва ширин овози ила ижро этилаётган «Сайдинг қўйбер Сайёд, сайёра экан мандек» қўшиғига қулоқ тутарканман, ўз-ўзидан беихтиёр қўшиққа берилиб бошларим тебранарди.

Ўша вақтда Юсуфнинг исм-фамилияси, аниқ адресини ёзиб олмаганим учун ҳалигача ўксинаман. «Энди у билан тез-тез учрашиб, гаплашиб тураман», деб ўйлагандим-да. Мени тахминан 22 июль 1941 йили разведка взводига ўтказиб юборишди. Разведкачиларнинг фронтдаги қисматларининг нақадар оғирлигини фақат армияда, разведкачи бўлганларгина билади, холос. Шунга қарамай, мен иложим борича вақт топиб Юсуфжон билан учрашиб турардим. Уларнинг мудофаа чизиғи бизлар турган жойдан тахминан бир километрча нарида жойлашган эди. Августнинг ўрталарида азон пайти командир мени уйғотиб, «Сени полк сиёсий бўлими бошлиғи чақираяпти, тезда етиб бор», деб тайинлади. Борсам, у менга нохуш хабар етказди.

— Юртдошингиз ҳалок бўлди. Уни дафн этишда сиз ҳам қатнашинг,—деди. Юсуф қазилган ҳандакнинг пастқам бир еридан энгашиб ўтиш ўрнига нимагадир тикка ўта бошлаган ва нариги томонда беркиниб олган немис мергани уни аниқ нишонга олган экан. Отилган ўқ Юсуфнинг чап биқинини ўйиб кетган эди. Унинг жасадини қабр ёнига ётқизиб, шинель билан ёпиб қўйишган экан. Дўстимнинг ўлими олдидан очилиб қолган кўзларини қўлларим билан беркитиб қўйдим. Уни қабрга қўйиш олдидан мен командирга юзланиб, «Бизнинг урф-одатимизга кўра мурдани оқ читга ўраб кўмишади, ҳеч бўлмаса уни шинели билан кўмайлик», деганимда у бажонидил рози бўлди...

Қадрдон дўстимнинг қабри тепасида тиз чўкиб ўтирарканман, вужудимни титроқ босиб келарди. Ўзимни энг яқин жигарбандимдан ажралгандек ҳис қилдим. Кўзларимга тўлиб келган ёшларни тиёлмадим. «Алвидо, дўстим, жойинг жаннатда бўлсин, сенинг ўлиминг учун босқинчилардан албатта қасос оламан,» деб қасамёд қилдим. Шу пайт дўстларимнинг бир йўла автоматлардан осмонга қарата узган ўқ овозлари мени сергаклантирди. Оғир жанглар бошланиб кетди. Ўзларимиз бунёд қилган истеҳкомларни бирма-бир қолдириб, чекинишга, қурбонлар беришга тўғри келди. Лекин бизлар ҳам бўш келганимиз йўқ.

Шу қисм сафида сентябрь ойида Ленинград қамали пайти бўлган даҳшатли жангларда қатнашиб яраландим. Даволаниб чиққач, Карелия фронтида яна урушга кириб, фашистлар устидан қозонилган ғалабага ўзимнинг арзимас ҳиссамни қўшдим. Урушни 1945 йили япон милитаристларига қарши олиб борилган жангларда тугатиб, она юртим Ўзбекистонга эсон-омон етиб келдим. Мана, ҳозир беш ўғил, бир қизнинг отасиман. Невара-чевараларим кўп. Урушнинг тугаганига 45 йил тўлаяпти. Лекин ҳануз ўша Юсуфжон дўстимнинг сиймоси кўз олдимдан кетмайди. Унинг порлоқ хотираси олдида доимо ўзимни қарздордек ҳис қилиб яшайман. Ўша вақтда қисмимиз командирлари Фарғонага, Юсуфжоннинг оила аъзоларига унинг ўлими ҳақида хабар беришганми ёки йўқми бундан хабарим йўқ. Мени бир ўй қийнайди. Балки бу мард ва жасур дўстим бедарак кетганлар қаторида ҳамон изланаётгандир? Ким билади дейсиз. Балки бу мактубим унинг номини абадийлаштиришга озгина бўлсада кўмак берар. Эҳтимол, Фарғонада Юсуфжоннинг отаси, ёки мунис волидаси, ёки хотини, балки яқин қариндош-уруғлари бордир. Балки унинг уйида сурати, хотиралари сақланиб қолгандир. Агар дўстимнинг яқинлари топилиб, газетага бу ҳақда хабар келса, жоним билан Фарғонага учиб боришга тайёрман. Унинг қабрини топмасам ҳам, дўстим дафн қилинган ўша ўзи каби забардаст арча тагидаги тупроқдан ҳар қалай у босиб ўтган, қони тўкилган ердан бир сиқимини келтирсам, ўзимнинг инсоний бурчимни адо этган бўлардим.

Мирзамурод АЛИМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, партия ва СССР Қуролли Кучлари ветерани.

Умидворлик

(ЖУМҲУРИЯТ ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ПЛЕНУМИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР)

Очиғи, менга «жумҳурият шахмат федерациясининг пленуми ҳақида мақола тайёрланг», дейишганда иккиланиб қолдим. У ерда қандай гап бўлиши мумкин! Одатдагидек, ўтган йилги шахмат соҳасида қўлга киритилган ютуқлар-у, кейинги режалар ҳақида маъруза ўқилса керак, деб ўйловдим.

Йиғилиш мен кутгандай расмий тусда бошланмади. Раислик қилувчи худди тилшунос олимлардай вазмин ва маъноли сўзлайди. Озроқ ҳазил-мутойиба ҳам қўшилди. Бошида дўппи, қарашлари маъноли. Ўзимча тусмоллладим; йигирма беш йилдирки, умрини шахматга боғлаган, бу ҳақда кўплаб китоблар ёзган, Мамажон Муҳиддинов деганлари шу киши бўлса керак. Янглишмабман...

Пленум ҳеч қанақа ортиқча тортишувсиз, сокин кайфиятда ўтди. Яқинда бўлиб ўтган СССР шахмат федерацияси пленуми қатнашчиси Евгений Борисович Мухин сўзга чиқди. Нотиқ Москвада кўрилган масалаларни шахматчилик равнақи йўлида жумҳуриятимизда ҳам муҳокама этишимиз зарурлигини уқтирди.

Узоро ечилиши зарур бўлган муаммолар ҳал этилди, холос. Ассосийларичи? Бежавоб қолаверди. Чунки уларнинг амалга ошувида биргина федерациянинг қурби етмайди ҳам. Мисол учун ўтган йили Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги ўйинлар режаси барбод бўлди. Нега? Жумҳурият Давлат спорт қўмитасининг масъуллиги сезилмади.

Мамажон ака МУҲИДДИНОВ:

— Шахмат маънавий баркамоллик синоати. У ёшларга чидам ва бардош, фикрлаш қобилиятини беради. Қолаверса, ижодий машғулот ҳам. Шундай экан, жумҳурият вилоятларида шахмат федерацияси ишларини жонлантирмоғимиз лозим. Ёшларга жиддий эътибор берайлик. Кўпгина қишлоқ мактабларида шахмат тўгаракларининг йўқлиги ачинарли ҳол. Гап келганда айтиш лозим, мана шу клубимиз биносининг аҳволи кўпчиликка аён. Ҳайратланарлиси, 100 минг аъзоси бор қилинбсолик клуби тўппа-тузук саройга эга. Бизникичи? 500 минг аъзомиз бўла туриб, бинога ёлчимаймиз. Токи бугунгидан яхшироқ шароитга эга бўлсаккина, ёшлар орасидан бўлажак шахмат усталарини осонроқ топамиз.

...Неча минг йиллар илгари Машриқ заминида ҳам шатранж энг севимли машғулот, санъат тури ҳисобланган. Ҳиндистондан кейин Ўрта Осиё унинг иккинчи ватанидир. Самарқандда эса бундан икки минг йил олдинги шахмат доналари топилди. Юртимизнинг машҳур шатранжи олимлари (ўша замон гроссмейстерлари) ҳақида кўпгина ривоятлар бор...

Хўш, бугунчи?!


Пленумда илк бора федерация президенти ва вице-президентларини (шу пайтгача раис ўринбосарлари дейиларди) сайлаш муҳокама қилинди. Кўпчилик овоз билан президентликка Лазиз Қаюмов ҳамда вице-президентликка Мамажон Муҳиддинов ва Пенчуклар кўрсатилди. Шунингдек, федерация президиумининг 11 кишилик янги гуруҳи ҳам сайланди. Расмийликдан йироқ ҳолда ўтган пленум асосий эътиборни жумҳурият шахматчилари даврасини ноҳия ва вилоят муассаса ташкилотлари кўмагида кенгайтиришга, ёшлар билан кенгайтиришга қаратди. Залга назар ташлаб, таажжубландим. Наҳотки, ўзбеклар шахматни ёқтирмай қўйишди? Минг бора аланглаб, барибир олдинги ўриндиқларда ўтирган ёши улуғ 4-5 кишидан бўлак бошқа ўзбекларни кўрмадим...

Клубдан қайтаётиб, ҳамюртларимдан ҳам яқин орада жаҳон шахмати тожига даъвогарлар топиламикан, деган умидни кўнглим тарозисининг бир томонига қўйиб кўрдим. Афсуски, унинг иккинчи томонида эса пленумда ўзим эшитган сабаблар, муаммолар босиб турарди...

Қ. НОРҚОБИЛ.

Бир хат изидан







ЁТОҚХОНА КИМГА ТЕГИШЛИ?



Тошкент Давлат табобат институтининг 5-талабалар ётоқхонасидамиз. Бир группа талабалардан рўзномамизга келган шикоят мактуби бу ерга келишимизга асос бўлди. 205-хона.

— Хатда ёзганимиздек хоналар совуқ, — дейди биз билан суҳбатда даволаш факультетининг 1-курс толиби Алишер Ходжаков. — Шу боис Янги йилдан сўнг электр қуввати билан исийдиган печка сотиб олишга мажбур бўлдик. Хонада 3 киши турамиз. Ҳаммамиз бир неча мартаба шамоллаб ҳам қолдик.

Улар истиқомат қилаётган хонага разм соламиз. Ҳамма нарса ўз ўрнида. Деворларга ўз кучлари билан гулқоғоз ёпиштиришибди. Шинамгина. Ўртада турган печкани ҳисобга олмаганда.

— Ҳеч бўлмаганда иссиқ сув бўлса эди. Чироқлар тез-тез ўчиб туриши ҳам жонга тегди, — дейди Алишер сўзида давом этиб.

Шу хонада турадиган Шуҳрат Жўраев, Нурмамат Рўзиевларнинг айтишларига қараганда, ётоқхонада талабалар фикри, талаби билан қизиқишмайди.

Яқинда қаердандир комиссия ҳам келди. Буни кейин билиб қолдик. Ҳатто хоналарга киришмади, «ҳолинг қалай?» деганлари йўқ. Комиссия кимнинг манфаатини кўзлаб келган, билолмадик.

Хонадан чиқаётганимизда, Нормамат ийманиброқ деди: Айтишга мажбурмиз, ҳожатхоналарга кирсанг устингдан сув оқиб туради.

Бошқа хоналарни ҳам кўздан кечирамиз. Талабалар билан суҳбатлашамиз. Афсуски, бирон киши ўз ётоқхонасидан қониқиш ҳосил қилаётганлигини билдирмайди...

235-хонада яшаётганларга қийин бўлди. Уч кундирки, навбатчилик қилишади. Хонада иситиш батареясини алмаштиришганди, сув оқяпти. Батарея тагига тоғора қўйишди. Навбатчининг вазифаси эса тоғорани тез-тез алмаштириб туриш.

— Раҳбарларга айтиш бефойда, — дейишди улар. — Ўқитувчилар хабар олишмайди. Янги ўқув йили арафасида бирров келишган. Биринчи ва охирги марта.

233-хонадагилар — Феруза Қосимова, Гулхадича Султонмуродова, Амина Есимуратоваларга ҳам осон эмас. Тенгдошлари қатори, печка қўйилик деса, «розетка»лари ишламайди. Ётоқхонадаги электр монтёрига буюртма беришганриб, ҳолдан тойишди.

Ётоқхона комендант вазифасини ўтаётган ёйл (у ўзини таништиришдан бош тортди — М. А.) дан саволларимизга жавоб беришини сўрадик.

— Нима қилайлик, — дейди у қўлларини ёйиб, — 13 ётоқхонага 5 нафар сантехник, 1 пайвандчи бўлса. Ҳаммаси фойда кетидан қувиб кетган. Бундай даражада ишда кетниш ишлана келади. Маблағ бўлмаса...

— Ётоқхонамизни «Капитальний ремонт»га бермадик, — дейди талабалар кенгаши раиси Яшин Диёров. — Уларга илтимос билан январда ремонтни бошлашса. Ёзда ремонтлар, қоқ қишда. Ҳеч тушуниб бўлмайди, уларнинг ишига.

Яшиннинг айтишича, ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ойларида махсус қурувчилар бригадаси келган. Таъмирловчилар — билим юрти ўқувчилари экан. Азаматларнинг «иши»ни кўриб, кулгинг қистайди. Уларнинг тегажоқлик қилишлари ортиқча. Кейин улар бундай таъмирдан бош тортишибди.

Бу ерда ошхона тугул, буфет ҳам йўқ. Кеч бўлдими, таомдан қилиш учун жой излаб қолишади.

Медиклар шаҳарчасидаги 4-, 7-, 9-талабалар ётоқхоналарида ҳам ишлар ўлда-жўлда. Бирида таъмирлаш кетаётган бўлса, иккинчисини заҳ босиб кетган, яна бирида дарс қилиш учун стол, стул йўқ.

Абдужалил Янгибоев, 4-ётоқхона талабалар кенгаши раиси:

— Ҳозир бинонинг ярмида хоналарни таъмирлашяпти, — дейди у. — Болаларнинг бир қисми 7- ва 9-ётоқхоналарга кўчирилган. Ҳанузгача иссиқ сув йўқ.

Гулнора Ғуломова 7-ётоқхонанинг 24-хонасида туради. Унинг айтишича, батареялар умуман ишламайди. Ювиниш хоналарида сув жумракларидан бетиним оқади.

Яна бир нарса: ҳожатхона умумий. Бутун бошли ётоқхонада (2-қават) битта ҳожатхона бўлса-я!

Саид ТУРСУНОВ, декан ўринбосари:

— Ётоқхона 13 йилдан буён таъмирланмаган. Бирон жойда қувур тешилса, ўша ернинг ўзигина тузатилади. Қарабсизки, эрта-индин яна бошқа жойидан сув оқиб турибди. Бутунлай алмаштириш хусусида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Хатдаги сатрлар одамни эзиб юборади: «Ётоқхонамизда иссиқ сув йўқ, совуқ сув келиб турганига ҳам шукур қилиб турибмиз, иситиш батареялари ишламайди.

Ёзи билан чиниқса ём бўлганимиз етмагандек, ҳозирги аҳволга кимга дейсиз. Юқори ташкилотларга ариза қилдик, лекин натижа бўлмади.

Шаҳарчамиздаги хорижий талабалар учун қурилган 2 та ётоқхонада ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Наҳотки, хорижий бўлиш уларга алоҳида имтиёз берса?! Ахир биз ҳам ўлканинг фарзандлари бўлсак. Юртимизнинг равнақи учун биз жон куйдирамиз-ку!»

Йигит-қизларнинг фикрига қўшилмасдан илож йўқ. Биз бунга хорижий талабалар истиқомат қилаётган 13-ётоқхонага бўлганимизда ва бир ҳафта ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Ростдан ҳам, хорижий бўлиш уларга алоҳида имтиёз берадими?

Муҳаммад АМИН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: пойтахт табобат институтининг талабалар ётоқхоналаридаги аҳвол.

Муаллиф суратга олган.

Одамлар ва фикрлар

Социология нуқтаи назаридан...

Қадим-қадимдан халқимиз орасида «Унта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи» деган мақол юради. Табиийки, бу доно нақлга эътироз билдириб бўлмайди. Ҳар ҳолда, бугунги кунда Ўзбекистонда яшаётган кишини нималар тўлқинлантиради, у нималарни орзу қилади, ўз куч-ғайратларини нималарга сарфлайди! — деган саволга қандай жавоб бериш мумкин. Мамлакатимизда юзага келган анчагина мураккаб вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволлар одатдаги саволлар эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашиши, иқтисодиётдаги ўпирилишлар, пулнинг кундан-кунга қадрсизланиши — буларнинг ҳаммаси одамлар руҳиятига, уларнинг қайта қуриш жараёнига нисбатан муносабатига таъсир қилмоқда.

Буларнинг ҳаммасини ҳаяжон билан айтилган гаплар дейлик. Шу сабабдан ўзимизча бош қашиб, фол очиб ўтирмай, ўз ишининг билимдонларига мурожаат этишга қарор бердик. Бу кишилар бизнинг ҳамкасбларимиз — Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси хатлар ҳамда социологик тадқиқотлар бош редакциясининг ходимларидир. Уларнинг малакаси қай даражада эканлигига СССР халқ депутатлари иккинчи Съезди бўлаётган вақтда ишонч ҳосил қилгандик. Худди шу кишилар жумҳуриятимиз бўйича қизиқарли ва ранг-баранг маълумотларни тақдим этишганди. Бу маълумотларни «Съезд» социологик группаси депутатлар орасида тарқатган эди. Бу ерда кейинги беш йил давомида аҳоли фикрини оммавий социологик тартибда сўраб-билиш усули пухта йўлга қўйилди. Жамоатчилик фикрини аниқлаш, жамиятимиздаги иллатларни билиб олиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир тавсияларни беришни улар ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Олинаётган маълумотлар ЭҲМдан фойдаланиб, замонавий савияда ишлаб чиқилади.

Ўртага қўйилган саволларга жавоб беришдан аввал ушбу хизмат бош муҳаррири, Совет социологик уюшмаси Ўзбекистон бўлими бюросининг аъзоси Владимир Багдасаровга сўз берамиз:

— Бизга ҳар куни жуда кўплаб хатлар келади. Ана шу хатлар ҳар бир социологик тадқиқотимизнинг асосини ташкил этади. Ўтган йилнинг ўзидагина бош редакциямиз 140 мингдан ортиқ хат олди, — дейди Владимир Владимирович. — Ҳар бир хат муаллифига жавоб беришдан ташқари, энг қизиқарли масалалар кўтарилган хатларни танлаб олиш, уларни тартибга солиш ва шу асосда жамоатчилик фикрини умумлаштириш бизнинг вазифамиздир. Хат-хабарларнинг бешдан бир қисми шикоят эканлигини қайд этмоқчиман. Қизиғи шундаки, жумҳуриятимизнинг маълум вилоятлари ва ноҳияларидан, одатда, кўпроқ хатлар келмоқда.

Социологик тадқиқотлар умумий хатларни танлаш асосида олиб борилади, яъни жумҳурият аҳолиси асосий ижтимоий нуфус гуруҳларидан иборат одамлар йиғиндисини эътиборга оламиз. Одатда бундай гуруҳлар минг кишидан иборат бўлади. Жаҳонга машҳур Гэллап социологик хизмати ҳам худди шундай усулда иш олиб боради. Бу ўринда ўқувчиларга изоҳ бериш зарур, деб ҳисоблайман: кўпчилик минг кишининг фикри жумҳуриятда истиқомат қилаётган йигирма миллион аҳолининг нуқтаи назарини тўла акс эттирмайди, деб ўйлайди. Бу мутлақо нотўғри. Зотан, пишиқ-пухта ва ишончли асбоблар ёрдамида бир томчи сувга қараб, ҳар қандай йирик сув ҳавзасининг таркибини хатосиз аниқлаш мумкин.

Хўш, Ўзбекистон аҳолиси қандай қизиқарли саволлар бермоқда? Бу саволларнинг ҳаммасини санаб ўтирмаймиз. Шу туркумдаги мақолаларимиз газеталарнинг саҳифаларида юлдуз кўрмай жон бермас, деб ўйлаймиз. Тадқиқот этилаётган муаммолар доираси кенг ва ранг-баранг — одамлар миллатлараро муносабатларнинг аҳволидан ташвиш чекишмоқда, жумҳуриятимиз иқтисодий ривожланишининг ўз қонун-қоидалари бор-йўқлигидан воқиф бўлишмоқчи, Тошкентда шаҳарлараро уй айрибошлаш нима сабабдан тақиқлаб қўйилганлиги билан қизиқишмоқда.

Биз ушбу туркумни жуда оддий умуминсоний масаладан бошлашга қарор қилдик: «Сиз учун қайси қадриятлар ҳамма нарсадан аъло». Зотан, пировард натижада ана шу қадриятлар кундалик турмуш тарзимизни, хатти-ҳаракатларимизни белгилаб беради. Жумҳуриятимиз турли минтақаларининг аҳолиси ана шу саволга жавоб беришди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолисининг «ўрта ҳисобда рўйхатга олинган» қисмини қайси йўналишлар қизиқтирмоқда?

Савол берилган кишиларнинг 60 фоизи оила фаровонлиги ҳамда болалар тарбиясини, қарийб 43 фоизи ҳаётда мустаҳкам соғлиқни, 20 фоизга яқини садоқатли ва ишончли дўстлар орттиришни, 18,8 фоизи қизиқарли ишга эга бўлишларини, 17 фоизи эса атрофдагиларнинг ҳурмат эътиборига алоҳида эътибор беришни асосий мақсад қилиб қўйганликларини айтишди.

Юқори иш ҳақи ва сўралган кишиларнинг улар одамларга фойда келтираётганлигига ишончига келганда эса, бу ерда мувозанатга эришилди — ҳар икки ҳолда бу саволга 12 фоиз одам жавоб берди. Ўн фоиздан сал кўпроқ одам унчалик ташвиш чекмай осойишта ҳаёт кечиришни лозим топган. Сўралганларнинг камроқ қисми — атиги 9,7 фоизи воқеаларга бой, қизиқарли ҳаёт кечиришни орзу қилади. Социологик тадқиқотда қатнашган кишиларнинг жуда озчилиги — 4 фоизга яқини ўзини ижтимоий фаолиятда намоён этишни, омилкор бўлишни, ғайрат билан ижодий ишлашни асосий вазифа деб ҳисоблайди.

Социологик сўраб билиш натижалари шундан иборат. Ижтимоий тоифаларнинг жавоблари ҳам қизиқарли чиққан. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган етук кишилар бошқа нарсаларга нисбатан оила фаровонлиги, фарзандлар истиқболи, мустаҳкам саломатликни афзал кўрадилар, мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги эса содиқ дўстлар орттиришни ўйлайди.

Хўш, бу кутилмаганда берилган жавобларми? Агар бундан ўн йил муқаддам бўлган мафкуравий кўрсатмалардан келиб чиқадиган бўлсак, бу саволга шубҳасиз тўғри, деб жавоб берган бўлур эдик. Агар одатдаги инсоний доноликка йўядиган бўлсак, унда бу саволга мутлақо тескари жавоб берилади. Ахир, пировард натижада ҳар бир кишининг меҳнати, ижтимоий фаолияти оиламизга ҳам, сиҳат-саломатлигимизга хизмат қилиши керак.

Шу боисдан халқимиз қишлоқ аҳлига ер берилиши, мактаб ўқувчиларига бепул нонушталар тарқатилиши тўғрисидаги тадбирларни қувонч билан кутиб олди.

Шундай қилиб, инсонга нима керак: унинг ўзига ва оиласига амалда ғамхўрлик қилиш керакми, ёки митингларда эҳтиросларни кучайтириш даркорми? Социологлар ана шу саволга жавоб беришмоқда.

Л. ЛЕВИН. (ЎзТАГ мухбири).

ТВ

24 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

10.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани». Адабий кўрсатув. 11.00 «Қудратимиз дўстликда». Ўзбекистондаги миллий мулоқотлар марказининг иши ҳақида. 11.40 «Оналар мактаби». 12.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 13.15 «Тоғлар чорлайди». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 14.35 «Ерни қандай тақсимлашяпти?».

Тижорат видеоканали

15.15 «Илғор тажриба мактаби». Наманган ноҳиясидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг иш тажрибаси ҳақида. 15.45 «Халқ истеъмоли молларининг сифати учун». Қўқон кўн заводи. 16.05 «Кумуш тола ижодкорлари». Жума пахта тозалаш заводи ҳақида ҳикоя.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Бир куни саҳрода». Мультфильм. 18.00 Болалар учун концерт. 18.30 «Ассалом футбол!», «Пахтакор» командаси мавсумга ҳозирлик кўрмоқда. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот (рус тилида). 19.45 Фарғона вилоятлараро филармонияси артистларининг концерти. 20.30 «Ҳафтанома». 21.10 Фарғона вилоятлараро филармонияси артистларининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Дўстлик экрани», Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Фрунзедан кўрсатилади. 23.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Самарқанд Давлат дорилфунуни ва Тошкент Маданият институти командалари учрашадилар. 00.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 «Шифо». Тележурнал. 10.40 «Карнавал», «Менинг опереттам». Фильм-концертлар. 11.45 «Классика билан юзма-юз». «Шоҳнома» — шоҳлар китоби. 12.25 «Қиш охирлаб қолганда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 «Алиса Мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм. 16.15 Реклама. 16.25 «Оқ туш». Фильм-концерт. 17.05 «Адам жана жаратилиш». 18.05 «Бой берилган галактика». Катталар учун мультфильм. 18.10 Танишинг, созанда Ж. Акматсияев. 18.35 «Киномеридиан». 1-қисм. «Айтматов асарлари кинода». 20.00 «Мезгил». 20.30 «Қирғизфильм» намойиш этади. «Кароолчу», «Турна хайқириғидек» (қирғиз ва рус тилларида). 21.00 «Диққат, премьера». Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Фитна» фильмининг режиссёри Г. Блазаров билан учрашув (рус тилида). 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 23.00 «Киномеридиан». 2-қисм. «Фудзиямани забт этиш». Бадиий фильм («Қирғизфильм»).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Сиз яратган боғ». 9.30 Никарагуа ансамблининг концерти. 10.15 «Ана, холос!» Мультфильм премьераси («Ўзбекфильм»). 10.25 «Америка вилояти». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм — «Жуди, Жим ва уларнинг шериклари». 11.25 «Инсон. Ер. Коинот». 12.25 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Капитан С». Бадиий фильм (Венгрия). 13.50 «Да... де... ди... ду...» Северобайкалсклик ҳаваскор композитор П. Толмачев ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 14.20 «Ҳайвонот оламида». 15.20 «Спектр». 15.50 Владимир Горовиц Моцарт асарларини ижро этади. 16.40 «Фидоий шахслар». 18.10 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Оҳанглар ва бўёқлар» (Сурия). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Кламслик уста». Мультфильм. 19.40 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Бертрам» меҳмонхонаси». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. А. Кристининг шу номли романи асосида (Буюк Британия). 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Телескоп». 22.25 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 23.30 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03123 Д. — 23186.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.